Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 272 (13.228).
20 НОЯБРЬ
1965 йил
ШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА



БИНОКОРЛАРГА МУКОФОТЛАР

Ленинград шаҳрида уй-жой, маданий-маиший қурилиш топшириқларини муваффақиятли бажарганликлари ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш соҳасида эришган ютуқлари учун СССР Олий Совети Президиуми ўзининг 1965 йил 18 ноябрь фармони билан меҳнаткашлар депутатлари Ленинград шаҳар совети ижроия комитети ҳузуридаги «Главленинградстрой»нинг, шунингдек Ленинград шаҳридаги қурилишда ўрнак кўрсатган бинокорлик материаллари саноати, транспорт ва лойиҳалаш ташкилотларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан 796 кишини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

* * *

СССР Олий Совети Президиумининг 18 ноябрь фармонига мувофиқ 20- қурилиш трестига қарашли 10- қурилиш бошқармаси тугал маҳсулот берувчи комплекс бригадасининг бошлиғи Михаил Васильевич **Потецкин**га, «Главленинградстрой» бошлиғи Александр Александрович **Сизов**га ва Кузнецовск уйсозлик комбинати монтажчиларининг бригадири Семен Иванович **Ткачев**га Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. (ТАСС).



Фото лавҳалар

КПСС XXIII съезди шарафига бошланган умумхалқ мусобақаси ўзининг ажойиб самараларини бермоқда. Машина-ускуналар қувватидан ва иш вақтидан тўғри фойдаланаётган минглаб ишчилар смена топшириқларини эртароқ адо этиб, қолган вақт ичида планга қўшимча маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлаётирлар.

Янгийўл шаҳридаги «Нормаль» заводининг меҳнат аҳли партиямизнинг навбатдаги съездини меҳнатда юқори кўрсаткичлар билан кутиб олиш учун мусобақани авж олдириб юборди. Бу ерда ҳам смена топшириқларини орттириб бажараётган азаматлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Токарь Е. Балухин (чапдаги сурат) ҳар сменада камида бир ярим норма миқдорида маҳсулот ишлаб чиқараётир.

Анбар Иброҳимов ёш бўлса ҳам шу корхонадаги тажрибали ишчилардан қолишаётгани йўқ. Автомат-машинасини бошқаришни мукаммал ўзлаштириб олган. Машина унинг измида — айтганини адо этади. Унинг қувватидан унумли фойдаланаётган Акбар ҳар сменада планга қўшимча равишда 35-40 процент юқори сифатли деталлар тайёрлашга муваффақ бўлаётир. Уни ўнгдаги суратда кўриб турибсиз.

Қ. Розиқов фотолари, (ЎзТАГ фотохроникаси).

КПСС МҚ СЕНТЯБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЮКСАК бурч

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумида уқтириб ўтилганидек, аҳолига хизмат кўрсатишда катта аҳамиятга эга бўлган маҳаллий саноатни ҳар томонлама ривожлантириш республика ташкилотларининг муҳим вазифасидир. Шу боисдан ҳам республика Маҳаллий саноат министрлиги барпо этилди. Ана шу министрлик қарамоғига бериб қўйилган корхоналар маданий-маиший ҳамда рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришни кенг кўламда ташкил этишлари, маҳсулотнинг аъло сифатли бўлиши учун муттасил кураш олиб боришлари лозим. Маҳаллий саноат корхоналари рентабел ишлашлари, фойда беришлари керак. Маҳаллий саноат министрлиги эса корхоналарнинг хўжалик ҳуқуқлари тобора кенгаяётган ҳамда фабрика-завод коллективлари ташаббус кўрсатиши учун кенг уфқлар очилаётган бир шароитда саноатни бошқаришни корхоналарда хўжалик ҳисобини тобора кенгайтириш билан қўшиб олиб бориши керак.

Министрлик маданий-маиший ва рўзғор буюмларининг янги турларини ишлаб чиқаришда ташаббус кўрсатиши, бу янги буюмларни тайёрлашни тез йўлга қўйиши лозим. Аъло сифатли кенг истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришни тез йўлга қўйиш ҳамда илғор технология жараёнларини жорий этиш учун, бизнинг фикримизча, Маҳаллий саноат министрлиги қарамоғида марказий конструкторлик-технология бюроси барпо этиш керак. Бу бюро ҳузурида тажриба ишлари ўтказиш мақсадида завод ҳам бунёд этилади. Марказий конструкторлик-технология бюросида у ёки бу буюмнинг конструкцияси яратилгач, технология процесси ҳам ишлаб чиқилади. Сўнгра хом ашё ва материаллар сарфлаш нормаси, меҳнат сарфи, бошқа зарур буюмлар нормативи белгиланади. Тайёргарлик ишлари амалга оширилади. Шундан кейин тажриба заводида янги маҳсулотнинг дастлабки нусхалари тайёрланади. Сўнгра янги маҳсулот қўлаб ишлаб чиқаришга тавсия этилиши мумкин. Шу йўл билан аъло сифатли маданий-маиший ва рўзғор буюмлари тайёрлаш ҳамда уларнинг таннархини муттасил камайтириб бориш мумкин бўлади.

Кенг истеъмол буюмларининг баъзи бир турларини саноат чиқиндиларидан ҳам тайёрлаган маъқул. Жумладан, Тошкент кабель заводининг чиқиндиси бўлган резина, полиэтилен, полихлорвинил, мис ва алюминий симидан, шунингдек, «Узбекхиммаш» заводидаги аъло сифатли металл чиқиндиларидан сифатли буюмлар тайёрласа бўлади.

Маҳаллий саноат министрлиги — қарамоғидаги корхоналар коллективларининг шарафли бурчи маҳаллий хом ашё ресурсларидан тўла-тўкис фойдаланишдан иборат. Маҳаллий хом ашё ресурсларига биринчи навбатда Оҳангарондаги беҳисоб коалин маъбалари, чинни саноати учун хом ашё бўлган дала шпати, Қорақалпоғистон АССРдаги тальк конлари ва бошқа хом ашё ресурслари киради.

Кенг истеъмол буюмларини кўпроқ ишлаб чиқариш ва уларнинг сифатини ошириш учун корхоналарни юқори малакали ишчи ва инженер-техник ходимлар билан таъминлаш керак. Шунинг учун ҳам Маҳаллий саноат министрлиги қарамоғига конструкторлар, технологлар ва экономистлар тайёрлайдиган техникумларни бериб қўйиш масаласини ҳал этиш керак бўлади. Бундан ташқари, ҳунар мактабларида малакали ишчилар тайёрлашга ҳам янада кўпроқ эътибор бериш лозим.

Маҳаллий саноат қарамоғидаги корхоналарни ихтисослаштириш масалаларини ҳам зудлик билан ҳал этмоқ керак. Бунда ҳар бир корхонани муайян маҳсулот тури бўйича ихтисослаштириш, аммо маҳсулот турларини ҳаддан ташқари кўпайтириб юбормаслик мақсадга мувофиқ бўлар.

Корхоналарни ихтисослаштириш, илғор технологияни жорий этиш, участка ва цехларни реконструкция қилиш учун катта маблағ зарур бўлади, албатта. Шу мақсад учун банк кредитидан кенг кўламда фойдаланиш керак. Янги тартибга кўра, агар корхона ихтиёрида ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди етарли бўлмаса янги техникани жорий этиш, технология процессларини механизациялаш ва такомиллаштириш учун ускуналарни янгидан, ишлаб чиқариш процессларини автоматлаш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш юзасидан бошқа тадбирларга банк олти йилгача муддат билан кредит беради. Шунингдек, банк кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кенгайтириш ҳамда маҳсулот сифатини яхшилаш учун ҳам кредитлар беради.

Бундан буён маҳсулот сифатини кўтаришда энг муҳим восита тариқасида давлат стандартларининг роли ортади. Муттасил аъло сифатли маҳсулот чиқараётган корхоналар учун давлат сифат белгиси таъсис этилади.

Шундай қилиб, КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорлари шарофати билан маҳаллий саноатни зўр бериб ривожлантириш учун ҳам кенг имкониятлар яратилди.

Аммо республика саноат корхоналарида маданий-маиший ҳамда рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш ҳозирги замон талабларидан орқада қолмоқда. Собиқ Халқ хўжалиги кенгаши корхоналари бўйича маданий-маиший ва хўжалик буюмлари ишлаб чиқариш бўйича учинчи квартал топшириғи 95 процент бажарилди. Тошкент резина техника буюмлари заводи, Самарқанд ва Қўқон суперфосфат заводлари, Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси, рўзғор холодильниклар заводи, трактор йигув ва «Ташсельмаш» заводлари кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга етарли эътибор бермаётирлар. Кўпгина корхоналар аҳолига белгиланган миқдорда болта, теша, кетмон, қозон, мебель, холодильниклар, идиш-товоқлар ҳамда бошқа маданий-маиший ва рўзғор буюмларини етказиб бермадилар.

Корхоналарнинг раҳбарлари кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор беришлари керак. Пахтачилик машиналари бўйича Бош бошқармага қарашли машинасозлик корхоналари, электро-техника саноати корхоналари раҳбарлари кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш юзасидан мавжуд бўлган катта резервлардан яхшироқ фойдаланишлари керак.

Партия Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан кейин республикамиз областлари ижроия комитетлари маҳаллий саноатни ривожлантириш юзасидан ўз фаолиятларини кучайтиришлари керак. Бир қанча областларда ва йирик шаҳарларда маҳаллий саноат бошқармалари қайтадан тузилади. Бу тадбирлар ҳам маҳаллий саноатнинг ривожига хизмат қилади.

Маҳаллий саноат корхоналарининг ишчи ва инженер-техник ходимлари аъло сифатли кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш учун барча имкониятларни ишга соладилар, деган умиддамиз.

Ш. ХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Давлат план комитети раисининг ўринбосари.

ҚИШ ЯҚИН...

Ҳавода тез-тез булут пайдо бўлиб турибди. Куз ҳам ниҳоялаб бораётир. Илғор хўжаликларнинг чорвадорлари қорли-қировли кунлардан чорва молларини семиз ва соғлом чиқариш тадбирларини кўрмоқдалар. Ромитан районидаги Свердлов номли йирик хўжалик чорвадорлари пландаги 4709 тонна ўрнига 4850 тоннадан зиёд хашак тайёрладилар. 200 тонна беда, 500 тонна сомон, 400 тонна силос чорва моллари қишлайдиган биноларга яқинига келтириб қўйилди. Молхоналар ремонти ҳам қизғин боряпти. Райондаги «Москва», «Октябрь», «Ленинизм» колхозларида ҳам чорва қишловига пухта ҳозирлик кўрилаётир.

Афсуски, барча хўжаликларда ҳам чорва қишловига ҳозирлик ана шундай намунали бораётгани йўқ. Нариманов номли колхозда амалий иш ўрнига кўпроқ қуруқ сўз, ваъдалар билан чегараланиб қолинаётир. Хашак тайёрлашга 60 киши қатнашиши зарур бўлгани ҳолда, кейинги ҳафтада бу ишга бирор киши ҳам иштирок этгани йўқ. Оқибатда 2315 тонна ўрнига эндигина 1200 тонна етар-етмас хашак тайёрланди. Силос бостириш ишлари ҳам мутлақо талабга жавоб бермайди. Молхоналар, қўтонлар ремонтига ҳали қўл ҳам урилмаган.

Райондаги Калинин номли, Киров номли, Энгельс номли хўжаликларда ҳам чорва молларини ем-хашак жамғариш асоссиз равишда пайсалга солинаётир.

Район партия, совет ташкилотлари, хўжаликларнинг раҳбарлари шу ишдаги ҳиссиқ кунларнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиш, қишловга ҳозирликни кучайтириш тадбирларини амалга оширишлари зарур.

С. ҚОДИРОВ.

«Совет Ўзбекистони» ва ЎзТАГ мухбирларидан

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРДИ

Орденли Қорақалпоғистон 250 минг тонна, яъни планда мўлжалланганидан 26 минг тонна нўп пахтани давлатга топшириб, ўз социалистик мажбуриятини бажарди. «Зангори кема» бункерларидан 58 минг тоннадан нўпрон пахта тўкилди.

Автоном республикада планини бажармаган битта ҳам район қолмади. Яқин кунларда эса йиллик топшириқни адо этмаган хўжалик ҳам қолмайди. Юзлаб бригада ва звеноларнинг Ватанни ажойиб ютуқлар билан қувонтирдилар. Ҳамма ҳосилнинг деярли тўқсон проценти биринчи сортларга топширилди.

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXIII съезди шарафига бошланган вахтани давом эттириб, теримни тўла тугаллаш, кузги-қишки дала ишларини муваффақиятли ўтказиш учун курашмоқдалар.

ҚЎҚОН ХИМИКЛАРИНИНГ ЕТТИ ЙИЛЛИГИ

Фарғона водийсида энг йирик ҳосилдорлик фабрикаси бўлган Қўқон суперфосфат заводи яллиқ маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича етти йиллик топшириғини муддатидан олдин адо этди. Шу давр ичида корхонада яллиқ маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми икки баравардан зиёд ортган бўлса, энг таъсирчан минерал ўғит — аммонийлаштирилган суперфосфат — ишлаб чиқариш ўн икки баравар кўпайди.

КПСС XXIII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган суперфосфатчилар йил охиригача Урта Осиё пахтакорларига етти йиллик пландан ташқари минг тонна ҳосилдорлик малҳами бериш мажбуриятини олдилар.

УРУҒЛИК ЧИГИТНИНГ МИНГ ТОННАСИ ТАЙЁР!

Андижондаги 1- ва 3- пахта заводларида уруғлик чигитнинг дастлабки минг тоннаси тайёрлаб қўйилди. Шулар орасида «149-Ф» навли пахта чигитининг катта туркуми ҳам бор. Бу нав пахтанинг толаси ипаксимон бўлиб, ғўзаси вилтга ниҳоятда бардошлидир. Андижокликлар унинг чигитини заказчиларга — Туркманистон билан Тожикистондаги колхоз ва совхозларга юборадилар.

Андижон заводлари беш йилликкинг дастлабки кўрсаткичига мамлакат хўжаликларига 50 минг тонна уруғлик чигит тайёрлаб берадилар.

ШОЛИДАН МЎЛ ҲОСИЛ

«Коммунизм» колхози давлатга шолн сотиш планини Хоразмда ҳаммадан олдин бажарди. Тайёрлов пунктига қариб 2800 тонна дон элтиб берилди. Ҳар гектар ердан эллик центнер шолн янчиб олинмоқда.

ВЦСПС БАЁНОТИ

ИРҚЧИЛАРНИНГ ШАРМАНДАЛИ ИШИ

Я. Смитнинг ирқчи ҳукумати Жанубий Родезияни «мустақил», деб эълон қилганлиги барча совет кишиларини ниҳоятда дарғазаб қилди. Совет кишилари бу шармандали ишни Африка халқларига ва бутун жаҳон жамоатчилигига очиқдан-очиқ қилинган дағдаға деб ҳақли равишда ҳисобламоқдалар. Ирқчилар ва мустамлакачиларнинг халқаро империализм ва, аввало, Англия ҳукмрон доиралари йўл қўйиб бериши ва рағбатлантириши натижасида амалга оширган бу жинояти Африка халқларининг озодлик курашига қарши қаратилган бўлиб, бутун инсоният қоралаган мустамлакачилик қулligи ва миллий жабр-зулм системасини абадийлаштиришни ўзига мақсад қилиб олган.

Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети миллион-миллион совет меҳнаткашларининг ҳис-туйғуларини ифодалаб, Жанубий Родезия ирқчиларининг ўз бошимчалик ва масъулиятсизлик билан қилган ҳаракатларини ҳамда халқаро империализмнинг уларга ҳомийлик қилаётган кучларини кескин қоралайди. СССР касаба союзлари ўз ватанининг чинакам мустақиллиги ва озодлиги учун курашаётган эрксевар зимбабве халқи билан қизғин қардошларча бирдам эканлигини билдиради ва мамлакат меҳнаткашлари ва касаба союзларини сизларнинг адолатли курашингизни ҳамиша ва ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаймиз деб ишонтиради.

Зимбабве халқининг миллий озодлик ҳаракати реакция кучлари устидан тўла ғалаба билан тугалланишига шак-шубҳа йўқ. Бутун прогрессив инсоният зимбабве халқи тарафидадир.

Жанубий Родезия ирқчиларига ва уларнинг империалистик ҳомийларига лаънат!

БУТУНИТТИФОҚ КАСАБА СОЮЗЛАРИ МАРКАЗИЙ СОВЕТИ

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҲИРОТДА

КОБУЛ, 18 ноябрь. ТАСС мухбирлари **А. Ступак** ва **А. Петров** хабар берадилар:

Кеча кун чиқиши билан оқ Совет ҳукумат делегацияси Афғонистон Бош министри Мейвандвал ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлигида Афғонистоннинг қадимий пойтахти бўлган боғ-шаҳар Ҳиротдаги диққатга сазовор жойларни кўздан кечира бошлади. Делегация афғон меъморчилигининг ажойиб ёдгори бўлган, ўрта асрда қурилган ҳашаматли иншоот бўлмиш жума масжидини зиёрат қилди. Совет меҳмонлари XV асрнинг биринчи ярмида қурилган ва бир вақтлар гоят катта ансамбль бўлган мадрасани ва унинг бўйи 50 метрга яқин минорасини кўздан кечирдилар. Улар ўрта аср шарқининг машҳур шоири Алишер Навоий қабрини ҳам зиёрат қилдилар.

Меҳмонлар шаҳар лицейини боғи кўришди. Бу ўрта мактабда 1.200 дан кўпроқ ўспиринлар ва қизлар ўқийди.

Совет ҳукумати делегациясининг бошлиғи К. Т. Мазуров лицей ўқувчилари орқали бутун афғон ёшларини табриклади ва уларга Совет ҳукумати делегацияси Афғонистонда бўлганида уни айниқса самимий ва хушнудлик билан кутиб олганликлари учун ташаккур айтди.

У, Афғонистон экономикаси ва маданиятини ривожлантириш ишида ёшларнинг ролига тўхталиб ўтди ва Афғонистон ёшлари Совет Иттифоқи билан дўстликни ҳамиша қадрлаб келган ўз ота-боболарининг шонли традицияларини давом эттирадилар, деб ишонч билдирди.

Ўқувчилар Совет ҳукумат делегацияси бошлиғининг бу сўзларини узоқ давом этган олқишлар билан кутиб олдилар. К. Т. Мазуров мажлисда йиғилганларни Кушка — Ҳирот — Қандаҳор автомобиль йўли очилганлиги билан муборакбод қилди, бу йўл мамлакатнинг ғарбий районларини иқтисодий ривожлантиришда катта роль ўйнашини уқтириб ўтди. Бу йўл, деди у, ривожланиш, тараққиёт йўлидир, халқларимизнинг чинакам дўстлик йўлидир.

«Биз икки мамлакатимиз ўртасида тарихан вужудга келган дўстлик ва бегараз ҳамкорлик алоқаларни тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлана ва ривожлана беради, деб ҳисоблаймиз.

Сўнгра Бош министр Мейвандвал ёшларга қарата нутқ сўзлади.

Шундан сўнг Совет делегацияси мамлакат бўйлаб қилган саёҳатидан Кобулга қайтиб келди.

ХОРАЗМЛИК МЕХАНИЗАТОРЛАР РАПОРТИ

Хоразм пахтакорлари машинада пахта териш планини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. «Зангори кема»ларнинг бункерларидан етмиш беш минг тонна, яъни ўтган йилдагидан ўттиз минг тонна кўп «оқ олтин» тўкилди.

Бу йил Хоразмнинг оппоқ пахтазорларида 1600 дан ортиқ терим агрегати елканден сузиб юрди.

Область колхозлари машинада пахта теришни кескин кўпайтириш эвазига салкам икки миллион сўм пулни тежаб қолдилар.

ХУРМАТ тахтаси

Давлатга пахта сотиш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун республика Ҳурмат Тахтасига ёзиладилар.

Андижон областидаги **Ленин** районн (район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Ҳ. Мамажонов**, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Б. Ҳусанов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ **К. Рўзиев**, район комсомол комитетининг секретари Ўртоқ **К. Тошболтаев**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Ўртоқ **М. Гаев**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ **А. Юсупов**).

Бухоро областидаги **Навоий** районн (район партия комитетининг секретари Ўртоқ **М. Мироқов**, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **А. Боимбетов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ **А. Нарзиев**, район комсомол комитетининг секретари Ўртоқ **Р. Абдуллаев**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Ўртоқ **Т. Алимов**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ **Д. Мардонов**).

Сирдарё областидаги **Сирдарё** районн (район партия комитетининг секретари Ўртоқ **М. Каримов**, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **У. Хўжаев**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ **М. Мирқурбонов**, район комсомол комитетининг секретари Ўртоқ **Б. Зуҳуров**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Ўртоқ **В. Ким**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ **П. Маслов**).

Самарқанд областидаги **Самарқанд** районн (район партия комитетининг секретари Ўртоқ **А. Раҳматуллаев**, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **А. Олчинбоев**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ **С. Ли**, район комсомол комитетининг секретари Ўртоқ **З. Эсонова**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Ўртоқ **Н. Моисеенко**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ **И. Чуданов**).

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

РЕСПУБЛИКАДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 19 НОЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Хоразм — бир кунда 0,36, мавсум бошидан 118,35, Тошкент бир кунда — 0,11, мавсум бошидан 112,46, Қорақалпоғистон АССР — бир кунда 0,54, мавсум бошидан 111,90. Сурхондарё — бир кунда 0,19, мавсум бошидан 109,62, Самарқанд — бир кунда 0,35, мавсум бошидан 109,58, Фарғона — бир кунда 0,23, мавсум бошидан 105,50, Андижон — бир кунда 0,29, мавсум бошидан 102,54, Қашқадарё — бир кунда 0,10, мавсум бошидан 101,09, Сирдарё — бир кунда 0,26, мавсум бошидан 100,33, Бухоро — бир кунда 0,15, мавсум бошидан 100,17.

Ўзбекистон ССР бўйича — бир кунда 0,26, мавсум бошидан 106,30.

Республикада 18 ноябрь куни 9357 тонна пахта тайёрланди.

Ўмумхалқ контроли

Охунбобоев районидаги Ленин номли колхоз контролёрлари даладаги ҳосилнинг бир чигитини ҳам қолдирмай йиғиб-териб давлатга топшириш борасида жонкуярлик қилмоқдалар. Улар хўжалигининг ҳамма бригадаларида пахта исрофгарчилигига қарши курашни кизитиб юбордилар. Суратда: халқ контролёрларидан Одил Қосимов, Умар Сайдалиев ва Тўлан Мамадалиев ўртоқлар Жамол Мамадалиев (чапда) бошлиқ бригадада пахта нобудгарчилигига қарши кураш қандай ташкил этилганлиги билан қизиқмоқдалар.

Г. Бойко фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).



ШТАТСИЗ ИНСПЕКТОР ТЕКШИРГАЧ...

— База омборидан 9 тонна шолини ўғирлаш ва ўзлаштириш пайнга тушганларнинг қинғир ишини пайқаб қолдик. Шолининг равишда текшириш ва чора кўришни сўраймиз.

Партия-давлат контроли комитетининг штатсиз инспектори Булат Мадёровга Хонқадан келган юқоридаги сигнални текшириш топширилди. Штатсиз инспектор фактни синчиклаб текшириб, давлат мулкига хиёнат қилишга уринган шахсларни фош қилди. Масала яқинда область партия-давлат контроли комитети мажлисида кўрилиб, айбдорлар қаттиқ жазоланди. База бошлигининг ўринбосари К. Қаландаров ва бухгалтер А. Копачовага выговор берилди.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

АЙТСАМ ТИЛИМ КУЯДИ...

Қиш эшик қоқяпти. Чорвадорларимиз учун энг оғир, энг масъулиятли давр келаётир. Тадбиркор хўжаликлар қишловга пухта тайёргарлик кўриб қўйишган. Бироқ, қиш ҳали узоқ, деб юрган бегам раҳбарлар ҳам топилиб қолади. Масалан, Бағдод районидаги «Ленинград» колхози раҳбарлари худди ана шундай боқи-бегамлардан чиқиб қолди. Агар сиз улар билан гаплашсангиз, «биз ана ундоғ қиляпмиз, биз бундоғ қилялмиз», «қишловни боплаб ўтказамиз», деб керилишади. Аслида эса хўжаликда чорва қишловига тайёргарлик ўлдажўлда.

Колхознинг қароқчитол, қоровултепа участкаларидаги молхоналар ҳанузгача ремонт қилинмади. Моллар эса ҳозирги аёзда, ёнгинарчилик кўп бўлган кунларда очиқ ҳавода қолаётир. Бунинг устига, фермаларда кўп ишлар қўл билан бажарилади. Бир неча юз минг сўм сарфлаб олинган сут соғиш агрегати, хашакни майдалаб берувчи машиналар эса бемор ётибди. Бироқ, чорвачиликда юз бераётган бундай нуқсонлар колхоз раиси О. Аҳмедов, партия ташкилотининг секретари М. Эргашев ўртоқларни сира ташвишга солмаётир. Хўжаликда чорва маҳсулотлари етиштириш йил сайин камайиб кетяпти. Бундай совуққонликка тезроқ чек қўйиш лозим.

Қ. АЛИЕВ,
С. СОТИБОЛДИЕВ.

ЗИЙРАК КЎЗЛАР

Кейинги пайтда Шаҳрисабз шаҳри ва райони магазинларида сотилаётган нонининг сифатидан норозилар кўпайиб қолди. Биров «мен олиб борган нондан ёнғоқдек туз чиқди» деса, бири «тунов куни мен олган нондан бир қарич каноп чиқди» дейди.

Овулга айтсанг ошади, қўшнига айтсанг қўшади, деганларидек, ҳар хил миш-мишлар кўпаявергач, шу масала билан жиддийроқ шуғулланишга тўғри келди. Бу ишни комитетимизнинг саноат, қурилиш, транспорт ва савдо бўйича штатсиз бўлими бошлиғи Мансур Исоқовга топширдик. У ёнига икки кишини олиб, Қарши нон комбинатининг Шаҳрисабздаги филиалини текширишга киришди.

Корхонадаги кўмаклашувчи группа ва контроль пости аъзоларининг ҳамда корхона маркази учун жон куйдирадиган мутахассисларнинг яқиндан ёрдамига таяниб иш кўрган жамоатчи-назоратчиларимиз нега сифатсиз нон кўп чиқарилаётганининг сабабларини, бунинг асосий айбдорларини икки-уч кундаёқ аниқлашди. Корхона раҳбарлари нафс балосига берилиб кетганини, нон пиширишнинг технологиясига қатъий риоя қилинмаётганлиги, бунинг натижасида эса айрим кишилар жиноий ишлар қилишгача бориб етганини фош этишди.

Филиал директори Ю. Раҳимов бошлиқ учтўрт юлғич бирлашиб олиб, ўнг келган томондан давлат ва халқ маблағини ўмараётган экан. Қаранг, корхона печини ремонт қилиш учун уч киши тўрт кун ишлабди-да, уларга 1728 сўм 52 тийин ҳақ тўланибди! Нарядда эса 1003 сўм 22 тийин «баҳоланган». Орадаги фарқ — 725 сўм 30 тийин кимларнинг чўнтагига тушди? Кунига 84 сўмлик иш бажарадиган ремонтчилар қанақа устаси-паранглар? Шунингдек, электромонтаж ишлари бўйича 200 сўмга бормайдиган иш учун салкам 2 минг сўм тўлаш кўзда тутилган.

Муросасиз жамоатчиларимиз аниқлаган бу жиноий иш ва корхонада йўл қўйилаётган хатокамчиликлар район партия-давлат контроли комитетида муҳокама қилинди. Жиноятчиларни қонун бўйича жавобгарликка тортиш прокуратурага, бошқа хатоларни тузатиш вазифаси эса комбинат маъмуриятига топширилди.

Районимиздаги «Гулистон» колхози ўтган йили давлатга сут сотиш планини бажаролмай қолган эди. Сигир етарли, ем-хашак бор, аммо соғиб олинган сутнинг баракаси бўлмади. Кўмаклашувчи группа бошлиғи Неъмат Пардаев бу йил сут-товар фермаси ишини тузукроқ кузатиб бориш, сигирларга белгиланган рационда озуқа берилиши, ўз вақтида ва тоза соғилиши устидан доимий контроль ўрнатиш юзасидан бир қанча чоралар кўрди. Хусусан, унинг ўзи бир неча марта текшириш ўтказди. Группа аъзолари Зайнаб Юсупова, Зариф Жабборов, контроль пост бошлиғи Абди Бадаловлар ҳам ҳар 15-20 кунда текшириш ўтказиб турдилар. Фермада меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва сутни кўпайтириш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўмаклашувчи группа йил давомида уч марта колхоз правлениеси ва икки марта партия ташкилоти муҳокамасига қўйди.

Бу амалий-ташкилий ишларнинг натижаси шу бўлдики, колхоз ҳозиргача сут сотиш йиллик планини бир ярим ҳисса ошириб бажарди. Ҳар бир сигирдан бўлтургига нисбатан 20-30 процент кўп сут соғиб олинаётир.

Неъмат Пардаев кўмаклашувчи группа ва постлар ишини анча жонлантириб юборди. Группанинг қишлоқ хўжалик, механизация ва чорвачилик секциялари ҳамда 45 кишини жалб этган 15 контроль пости артель ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш учун, коллектив мулкининг нес-нобуд бўлишига йўл қўймаслик, ишчи кучлари, техника, ер, сув ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш, колхозчилар моддий манфаатдорлигини ошириш принципига бригадаларда тўғри амал қилинишини таъминлаш учун изчиллик билан кураш олиб бормоқда. Хўжаликни бошқаришда йўл қўйилаётган камчиликларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш, мақсадида кўмаклашувчи группа колхоз ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини бир неча марта текширишдан ўтказиб чиқди ва текшириш якуни колхоз партия комитети ва правлениесининг қўшма мажлисида муҳокама қилинди.

Бундай мисолларни А. Расулов, М. Эшқобилов, Х. Шербобоев, Т. Шаропов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган Охунбобоев номли, «Партия XX съезди», Энгельс номли, Киров номли колхозлардаги кўмаклашувчи группалар фаолиятидан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Районимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари етти йилликнинг якунловчи йилида давлатга пахта, пилла, сут, тухум, сабзавот, мева сотиш юзасидан олган мажбуриятларини ортиғи билан бажарган, саноатчиларимиз 10 ойлик пландан ташқари бир неча ўн минг сўмлик консерва, вино, бадиий-каштачилик буюмлари ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқарган экан, бунда халқ назоратчиларининг ҳам озми-кўпми ҳиссаси бор.

Партия, совет, комсомол ва жамоат ташкилотлари ёрдамида контроль постларимиз, кўмаклашувчи группаларимиз фаолияти бу йил анча активлашди. Район партия-давлат контроли комитети ҳузурида тузилган олти штатсиз бўлим аъзолари ҳам районда ишлаб чиқариш кучларидан самарали фойдаланиш, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш, совет ташкилотлари ишини янада яхшилаш, ёшлар тарбияси, халқ маорифи шохобчаларидаги нуқсонларни бартараф этишда маҳаллий партия ташкилотларига амалий ёрдам бермоқдалар. Бу соҳада педагог-журналист Манон Сатторов, юрист Сотиболди Солихов, агроном Иван Кочетов, экономист Раҳматулла Ҳурамов каби ўртоқларнинг хизматидан хурсандмиз. Улар ўзлари бошқараётган штатсиз бўлимлар ишини намунали ташкил этганлар ва кўплаб ишчан жамоатчи контролёрларни тарбиялаб етиштирмоқдалар.

Назоратчилар ишини ташкил этиш ва жонлантириш соҳасида унча-мунча ютуқлар қўлга киритилган бўлса ҳам ҳали ишимизда камчиликлар кўп. Аммо хотин-қизлар орасида, айниқса ёшлар орасида тарбиявий ишларни кучайтириш, аҳолига маданий-маиший хизматни яхшилаш каби масалаларда партия, совет ташкилотларига ҳали айтарли ёрдам қилмаяпмиз. Ҳамма штатсиз бўлимларимиз, жамоатчи инспекторларимиз ҳам астойдил ишлаяпти деёлмаймиз. Ҳозирги кунда комитетнинг асосий эътибори ана шу камчиликларни тезроқ тузатишга қаратилган.

М. МУҲАММАДИЕВ,
Шаҳрисабз район партия-давлат контроли комитетининг раиси.

Қуруқ ваъда

— Бидонни кўтариб қаёққа кетяпсиз, Эшимбой?

— Магазиндан керосин келтириб қўяй, тамом бўлибди.

Самарқанд районидаги 5-сабзавот узумчилик совхозига йўлингиз тушиб қолса, совхоз ишчиларининг аҳволидан шундай суҳбатининг шоҳиди бўласиз.

Шу йилнинг бошида совхоз дирекцияси совхоз қишлоқлари и и н электрлаштиришга 86 минг сўм пул ажратиб, йил бошидаёқ Самарқанддаги 2-қурилишмонтаж участкаси ҳисобига ўтказган эди. Лекин ҳадемай иш бошланавермади. Ўртада анча борди-келди гаплар ҳам бўлди. Шу йилнинг март ойида эса совхознинг Навзандан, Шопўлат, Туркман қишлоқларига симёғочлар ташланиб, иш яшин тезлигида бошландию, тез кунда тўхтатилди.

Июнь-июль ойларида эса совхозга қурилиш монтаж участкасидан ўртоқ В. Биков бригадаси келиб, ишни дадил эттира бошлади. Етти кишидан иборат бу бригада 15-20 кун ичида столбаларни ўрнатиб, симларни тортди. Йўл ёқасидаги сим ёғочларга фонарлар ўрнатишди. Октябрнинг бошларида қурилиш-монтаж участкасидан ихтисосли мутахассислар келиб ишни кўришди ва тармоқларга ток юбориш мумкинлигини айтиб кетишди.

Лекин шу кунгача совхоз меҳнаткашлари қора чироқда ўтиришибдилар. Қурилиш-монтаж бошқармаси раҳбарлари бугун ёқамиз, эрта ёқамиз,— деб қуруқ ваъдадан нарига ўтмаётирлар.

Совхоз ишчилари номидан:
Р. РАҲИМОВ.

ҲАҚЛИ ТАЛАБ

Тошкент область Оржоникидзе районидаги Богистон қишлоғи ўзининг хушманзаралиги билан кишиниз мафтун этади. Ёз фаслида Тошкент ва бошқа шаҳарлардан бу ерга ҳордиқ чиқариш учун кўплаб меҳмонлар келиб туришади. Қишлоқда бир ярим мингдан ортиқ киши истиқомат қилади. Лекин шу нарса ачинарлики, бу ерда меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишга етарли эътибор берилмаётир.

Ўн йилдан буён қишлоқдаги ҳаммом ишламаётир. Қишлоқ аҳолиси бу ҳақда бир неча бор Богистон ишчилар кооперацияси ва қишлоқ Совети раҳбарларига мурожаат қилдилар. Лекин улар меҳнаткашларнинг ҳақли талабларига қулоқ солмаётирлар. Қишлоқ аҳолисининг бу ҳақли талаби қачон қондирилади?

Қишлоқ меҳнаткашлари номидан:
Р. ШОБОБОЕВ.

ХАЛҚ МУЛКИ СОҚЧИЛАРИ

Деҳқонларимизнинг ҳалол меҳнати билан етиштирилган «оқ олтин» пахта тозалаш заводлари ҳамда пунктларга ташиб келтирилади. Янги ҳосилнинг бир чигитини ҳам нобуд қилмасдан асраш ва ишлаб чиқаришга етказиб бериш тайёрлаш ташкилотлари ходимларининг жонажон ишидир. Бироқ, айрим жойларда буни унутиб қўйишади. Оқибатда анчагина пахта исроф бўлади. Чунончи, Ленинск шаҳридаги 1-пахта тозалаш заводида транспортёрлар атрофида ва бошқа майдончаларда пахталар сочилиб ётади, ёмғир остида қолиб, сифати бузиларди. Завод назоратчилари бундай ҳолга нисбатан совуққонлик билан қараб туриша олмас эди, албатта. Улар заводда, шунингдек қишлоқлардаги пахта тайёрлаш пунктларида оммавий рейд ўтказиб, кўпгина камчиликларни очиб ташладилар. Масалан, заводда баъзи пахтани гарам қилишда унинг сортларига қараб ажратилмаган. Заводнинг бош товароведи Қ. Маърупов, 3-зона товароведи М. Ботиров ўртоқлар эса бунга асло эътибор беришмаган. Корхона назоратчилари бу масалани маъмурият ва партия ташкилоти муҳокамасига қўйди. Шу тариқа, камчиликлар даркор бартараф этилди.

Завод кўмаклашувчи группаси (раиси Л. Тефуқов) аъзолари қишлоқ меҳнаткашларининг зўр куч-ғайрати билан бунёдга келган «оқ олтин»ни асрашда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Айниқса контролёрлардан Т. Герасимова, А. Абдулазизов, В. Абдюкова, Ғ. Отахонов, С. Мирсаидова ўртоқлар халқ назоратчиларини деган шарафли номга муносиб ишламоқдалар. Корхона назоратчилари ишчи ва хизматчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш соҳасида ҳам ташаббус кўрсатмоқдалар. Уларнинг ғамхўрлиги туфайли ошхоналар, болалар боғчалари хизмати илгаригидан анча дуруст бўлиб қолди.

Т. КОМИЛОВ,
Ленин районида чиқадиган «Ленин йўли» газета редакторининг ўринбосари.

ЖАМОАТЧИЛАР

Халқ контроли фаолиятини жамоатчиларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қаерда контроль комитетлари, кўмаклашувчи группалар ишига кўплаб жамоатчилар жалб этилган бўлса, ўша ерда ленинча контроль муваффақият билан амалга оширилади. Шеробод район партия-давлат контроли комитети жамоатчиларинг катта армиясига таяниб ишламоқда. Комитетнинг штатсиз ходимлари район хўжаликларида юз бераётган камчиликларни очиб ташлаш ҳамда уларни тез орада тугатишда ташаббус кўрсатмоқдалар. Комитет ҳузурида 7 та штатсиз бўлим ишлаб турибди. Ҳар бир бўлим маълум соҳа билан шуғулланади. Чунончи, Эшмурод Қурбонов раҳбар бўлган қишлоқ хўжалик бўлими район колхоз ва совхозларида пахтачилик, чорвачилик, шунингдек қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида юз бераётган нуқсонларни очиб ташлаяпти. Бўлим ходимлари томонидан комитет муҳокамасига бир неча муҳим масалалар қўйилди. Тўхта Хўжанафасов бошлиқ саноат бўлими ҳам ўз фаолиятини кучайтириб юборган.

Район назоратчилари айниқса чорвачилик масалалари билан чуқур шуғулланмоқдалар. Фермаларда қўзилатиш кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказиш, қишловга пухта тайёрланиш, ҳисоб-китоб ишларини яхши йўлга қўйиш — буларнинг ҳаммаси уларнинг эътиборида туради.

Жамоатчи контролёрлар комитетнинг суянган тоғи, энг яқин ёрдамчилари бўлиб қолдилар. Комитет амалга оширган энг яхши ишлар ана шу тиниб-тинчимас жамоатчилар кўмаги туфайли юзага чиқарилмоқда.

С. ЭНЕЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

ЯНГИ КИТОБЛАР

ОММАГА ТАЯНИБ

Халқ назоратчиларининг кун сайин олиб бораётган самарали, жонли ишлари газета ҳамда журналларимиз саҳифасида тобора кенг ёритилмоқда. Шу билан бирга бу темада ёзилаётган каттакичик китоблар ҳам ленинча контролнинг хилма-хил томонларини очиб бермоқда. Чунончи, Ўзбекистон «Билим» жамияти яқинда Н. Капустянскийнинг «Партия-давлат контроли амалда» номли китобчасини чиқарди. Китоб автори республикамиздаги контроль органларининг дастлабки тажрибаларига таяниб, халқ назоратчиларининг ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, кишиларни тарбиялаш борасидаги ажойиб ишлари ҳақида ҳикоя қилади. Муҳими шуки, китобда партия-давлат контролининг асосий принциплари, бу ишга кенг жамоатчиликни жалб қилиш билан боғлиқ бўлган бир қатор масалалар аниқ фактларда баён қилинган.

ОДАМЛАР РАҲМАТ ДЕСИН...

— Менга биринчи пойафзал фабрикасида тайёрланган туфлидан керак.

— Сизда биринчи фабрикининг ботинкасидан топилмайдими?

Пойафзал билан савдо қилувчи магазинларга кирган киши кўлинча ана шундай гапларни эшитади. Чиндан ҳам Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси маҳсулотлари йилдан-йилга меҳнаткашларнинг дидига ёқадиган бўлиб бормоқда. Бир вақтлар бу корхона маҳсулотлари магазинларда узоқ вақт чанг босиб ётарди. Энди бўлса фабрика тайёрлаётган бежирим, пишиқ, чиройли оёқ кийимлари савдо тармоқларида камдан-кам сақланиб қолади. Чунки фабрика ишчилари, инженер-техник ходимлари сифатли маҳсулот ишлаб чиқармасдан туриб меҳнаткашларнинг ҳурмат-эътиборини қозониш мумкин эмаслиги, ишлаб чиқаришда самара бўлмаслигига қаттиқ ишонч ҳосил қилдилар. Ҳар бир ишчининг, ҳар бир мутахассиснинг маҳсулот сифати учун масъулияти оширилди. Корхона партия ташкилотининг, бу ердаги ҳамма коммунистларнинг эўр ташаббускорлиги, сибсий-тарбиявий ишларни кучайтирганликлари туфайли коллектив аъзолари ҳалол, виждонан меҳнат қиладиган бўлиб қолдилар.

Корхонада маҳсулот сифатини яхшилаш ҳақида гап кетганда кўпинча бу ердаги халқ назоратчиларининг ажойиб ишлари тўғрисида кўп нарсаларни айтиб бершади. Дарҳақиқат фабрика кўмаклашувчи группаси аъзолари маҳсулот сифатини яхшилаш учун бошланган курашнинг етакчилари сифатида танилдилар. Назоратчилар ишлаб чиқаришда кўзга ташланган ҳар бир камчиликни тезкорлик билан бартараф қилмоқдалар. Масалан, тикув цехида технология процесси қисман бузилганлиги, яъни айрим процесслар тўла бажарилмаётганлиги маълум бўлиб қолди. Бундан хабар топган назоратчи М. Эрматов дарҳол фабрика партия комитетига хабар қилди. Партком назоратчининг сигналини текшириш учун махсус комиссия тузди. Кўпчилиги контролёрлардан иборат бўлган комиссия аъзолари тикув цехидаги аҳвол билан батафсил танишиб чиқдилар. Чиндан ҳам бу ерда участка мастери Г. Долганова айби билан технология процесси бузилган эди. Оқибатда маҳсулот сифати анча бузилган. Контролёрлар аниқлаган бу камчиликлар тезлик билан бартараф этилди. 3-цех ишлаб чиқараётган маҳсулотлар яна аввалгидек сифатли бўлиб қолди.

Янги техникани ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳам назоратчиларнинг ҳамиша эътиборида туради. Чунки бусиз меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш маҳол. Бундан икки ой бурун корхонага Ленинграддан АГВ-1 маркали пресслар келтирилган эди. Бироқ, бу мукаммал ускуналарни ўрнатиш негадир пайсалга солинди. Халқ контролёрлари бундай аҳвол билан албатта келиша олмасди. Улар завод бош инженеридан янги ускуналарни ўрнатишни талаб қилишди. Орадан кўп ўтмай, контролёрларнинг талаби амалга оширилди. Янги прессларда ишга тушгач, маҳсулот сифати яхшиланди.

Ёзда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг Партия-давлат контроли комитети корхона кўмаклашувчи группасининг ҳисоботини эшитган эди. Комитет фабрика назоратчиларининг маҳсулот сифатини яхшилаш, техникадан самарали фойдаланиш, технология процессларини такомиллаштириш борасида қилаётган намунали ишларини таъкидлади, шу билан бирга, ишчи ва хизматчиларнинг маиший-маданий ҳаёти тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш лозимлигини кўрсатиб ўтган эди. Кўмаклашувчи группа танқиддан тўғри хулоса чиқариб, корхонада маданий-маиший хизмат бўйича махсус пост ташкил қилди. Георгий Медведев бошчилик қилаётган мазкур пост аъзолари ишчиларни уй-жой билан таъминлаш, корхонадаги ошхона хизматини яхшилаш, болалар боғча ва яслилари фаолиятини кучайтириш юзасидан бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Шунингдек, ишлаб чиқариш маданиятини кўтариш, цехларда тозаликни таъминлашда ҳам назоратчилар ташаббус кўрсатмоқдалар.

Кўмаклашувчи группа раисига ҳам кўп нарсалар боғлиқ. Агар у ташаббускор, тадбиркор, принципиал киши бўлса, халқ контролининг корхонадаги таъсири эўр бўлади. Пойафзал фабрикаси кўмаклашувчи группасининг раиси Валентина Макаричева худди ана шундай кишилардан. У сира тиниб-тинчимайди, цехма-цех юриб назоратчиларга топшириқлар беради, аниқланган камчиликларнинг сўзсиз бартараф қилиниши учун курашади. Фабрика коллективининг ҳурматини қозонган бундай назоратчилар жуда кўп. Бу ўринда лоақал Т. Турсунхўжаев, Т. Қорабоев, В. Чванов, Р. Дусалимов, А. Соколовская, С. Гик ўртоқларнинг номларини айтиб ўтиш кифоя. Улар корхона шуҳрати учун курашувчи жонкуярлардир.

Фабрика партия ташкилоти халқ контролёрларининг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаб туради, уларга фойдали йўл-йўриқлар кўрсатади. Кўмаклашувчи группа аниқлаган кўпгина камчиликлар партком бюро мажлислари, коммунистларнинг йиғилишларида ишчанлик билан муҳокама қилиб турилади. Бу эса халқ контролининг таъсирчанлигини, самарасини янада ошириб юбормоқда. Бироқ, кези келганда шуни айтиш керакки, Фрунзе район партия-давлат контроли комитети (раиси ўртоқ Қ. Турсунов) корхона контролёрларига яқиндан ёрдам кўрсатмаяпти. Комитет раиси, унинг штатсиз ходимлари фабрикада доярли бўлишмайди, назоратчиларга йўл-йўриқ кўрсатишмайди. Бу эса кўмаклашувчи группанинг фаолиятини яна ҳам кучайтириб юборишга қисман бўлса ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Корхона назоратчилари ҳақида яна кўп яхши гапларни айтиш мумкин. Улар чиндан ҳам одамлар раҳмат деса арзигулик ишлар қилмоқдалар.

Н. УЛУҒЖОНОВ.

МУРОСАСИЗЛАР СИГНАЛИ

ҲАЙРОН ҚОЛДИМ

Тўғрисини айтсам, врачларга кўпда ишим тушмаган. Лекин яқинда ўзимни ёмон сезиб, участка врачига боришга мажбур бўлдим. У мени бўқоққа қарши республика диспансерига юборди. Бу диспансерни топгунча анча овора бўлдим. Кишилар Ремесленная кўчасида жойлашганлигини айтишди. Кўрсатилган ерга бориб, биринчи галда сил касаллигига қарши диспансер олдидан чиқиб қолдим. Ў ердагилар яна йўл кўрсатишди: дарвоза орқали ҳовлига кириш керак экан. Яна бошқа жойга дуч келдим: «Рентгенология, радиология ва онкология илмий-текшириш институти». Яна қидирдим. Охири топиб, республика аҳамиятига эга бўлган бундай медицина муассасасининг қаровсиз бир омборга жойлашганлигини кўриб, ҳайрон қолдим.

Регистратурага кириб навбатга ёзилдим. Ў ердаги чанг ни, ноқулайликни кўрганда ҳатто соғлом одамнинг ҳам асаби бузилиб кетади. Ниҳоят, навбатим келди. Врач кабинетига кириб, яна батарроқ ҳайрон бўлдим: анча вақтгача кимга мурожаат қилишимни билмай бошим қотди. Чунки шу бир хонанинг ўзида учта врач беморларни қабул қилаётган эди. Бир томонда педиатр, бола йиғлаяпти, уни онаси овутяпти, иккинчи томонда икки врач ва ҳамширалар ўзаро шивирлашиб ўтиришибди. Мана шундай шароитда ҳар қандай врач ҳам беморларни атрофлича кўриб, уларга тўғри диагноз қўя олиши мумкинми? Йўқ, албатта.

Бу ерга республикамизнинг ва мамлакатимизнинг турли жойларидан беморлар келишади. Улар Ленин мукофоти лауреати, атоқли олим Р. Қ. Исломбековнинг консультациясини олишга ошиқишади. Катта умидлар билан келган беморларнинг мана шундай ёмон медицина шароитига дуч келишлари кишини ниҳоятда ажаблантиради.

Бизнингча, республика Соғлиқни сақлаш министрлиги бу масала хусусида жиддий бош қотириши керак.

Л. БЕЛЯВСКИЙ,
ТИИИМСХ ўқитувчиси.

РАССОМ БЛОКНОТИДАН



— Планни тўлдирдик, у ёғи бир гап бўлар...



Техника контроли бўлимидаги воқеа.
М. Воробейчиков чизган расмлар.

НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРАВЕРАМИЗ

Янги ташкил топган районимиз меҳнат аҳли биринчи йилқёқ катта жасорат кўрсатди. Бўз ерда ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Чўл дурдонаси юксак уюшқоқлик билан йиғиб-териб олинди. Натижада районимиз меҳнаткашлари Андижон областида биринчи бўлиб:

— Пахта тайёрлаш йиллик планини бажардик!— дейишди.

Бу улкан ғалабани қўлга киритишда шубҳасиз халқ назоратчиларининг ҳам хизматлари бор. Улар ерга чигит ташланғандан то ҳозиргача пахтакорлар билан ёнма-ён туриб ишладилар. Район партия-давлат контроли комитетининг жойлардаги 21 кўмаклашувчи группа ва 167 пости аъзолари хўжаликларда, бригадаларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, пахта нобудгарчилигига қарши кураш, далада ишлаётганлар учун намунали маданий-маиший шароит яратиб бериш борасида катта ишлар қилдилар.

Масалан, комитетга райондаги Карл Маркс номли колхознинг Маъмуров бошлиқ бригадасида пахта нобудгарчилигига йўл қўйилаётгани тўғрисида сигнал тушди. Биз у ерга халқ контролёрларини юбордик. Текширишда бригада далаларида, хирмонларда пахта ҳақиқатан ҳам исроф қилинаётгани аниқланди.

Ўша куниёқ колхоз партия ташкилоти билан келишиб, кўмаклашувчи группанинг йиғилишини чақирдик. Камчиликларни юз-хотирсиз очиб ташладик ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Дала йўлларида, кўчаларда тўкилган пахталарни териб олиш мақсадида назоратчиларнинг ташаббуси билан подборчилар ажратилди. Бу ишларни амалга оширишда шу колхоздаги кўмаклашувчи группа раиси ўртоқ Ғанижон Тожихалилов жонбозлик кўрсатди.

«Улуғнэр» совхози, Энгельс номли колхоздаги кўмаклашувчи группаларнинг (раислари Э. Мирзаев, А. Асқаров ўртоқлар) иши ҳам мақтовга сазовордир. Бу группаларнинг аъзолари халқ контролининг эўр аҳамиятга эга эканлигини амалда кўрсатишяпти. Улар пахта учун курэш масалалари билан астойдил шуғулландилар.

Муҳим тадбирларни амалга оширишда штатсиз инспекторлар ташаббус кўрсатмоқдалар. Юнусжон Юсупов, Мансур Исмоилов каби штатсиз инспекторларнинг зийраклиги туфайли хўжаликлардаги кўпгина нуқсонлар очиб ташланди. Область партия-давлат контроли комитети Мансур Исмоиловнинг меҳнатини пул мукофоти билан тақдирлади.

Район партия-давлат контроли комитетининг жойлардаги группа ва постлари составн зийрак, тадбиркор ва софдил кишилар ҳисобига тўлдирилди. Қайта сайлаш даврида халқ контролёрлари сони 672 кишидан 811 кишига етказилди. Группа ва постларга янги аъзолар кўшилиши муносабати билан районда бир кунлик семинар ўтказди. Семинарга группа ва пост раислари ҳамда назоратчилар таклиф қилинди ва уларга йўлланма берилди.

Шу кунларда районимиздаги ҳар бир халқ назоратчиси бутун диққат-эътиборини даладаги ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмасдан йиғиб олиш ва кузги-қишки тадбирларни изчиллик билан амалга оширишга қаратяпти.

Мухторжон ВАҲОБОВ,
Бўз район партия-давлат контроли комитетининг раиси.

ОҚЖЎХОРИ УРУҒИНИ САРАЛАНГ

Республикамиздаги бир қатор хўжаликларнинг экин майдонлари структурасидан оқжўхори муносиб ўрин олган. Унинг айниқса чорвачиликда тутган ўрнига алоҳида эътибор берган колхоз ва совхозлар оқжўхори экин майдонларини дадиллик билан кенгайтирмоқдалар ва мўл ҳосил етиштирмоқдалар.

Оқжўхори бу йил ҳам сероб бўлади. Шу кеча-кундузда етилиб пишган оқжўхорини ўриб-йиғиб олиш қизғин давом этмоқда. Бу, хўжаликларнинг раҳбарларидан келгуси йил учун энг яхши уруғларни саралашни талаб этади. Оқжўхори уруғини танлаганда «Хўраки 1-Ф» «Олти ойлик», «Бой жўхори» каби юқори ҳосилли навларга жиддий эътибор бериш керак. Бундай навлар уруғини саралаш ва уларни яхши асраш зарур.

Оқжўхорини оралиқ экин сифатида экиш учун эса «Маткаир», «Қўқон қизил жўхориси», «Уч ойлик», «Найман» сингари тезпишар навларни тайёрлаш лозим. Бундан ташқари Ўзбекистон чорвачилик илмий текшириш институти селекцияси ҳисобланган «Чиллаки» навини тайёрлашга ҳам алоҳида аҳамият бериш керак. Чунки бу нав районлаштирилган барча жўхори навлари орасида юқори ҳосилли ҳисобланади.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги томонидан барча областларда районлаштирилган навли оқжўхори уругини етиштирувчи хўжаликлар ташкил этилганлигига қарамай, ҳамма колхоз ва совхозларни сара уруғ билан таъминлаш шу кунгинг талабларига жавоб бермайди. Шунга кўра сара уруғ етиштириш мақсадида силос учун экиладиган майдонлардан ҳам фойдаланиш талаб этилади. Бу, силос учун жўхори етиштиришга халақит бермайди. Чунки, оқжўхори барча дон экинлари орасида ўзининг қимматли биологик хусусиятлари билан машҳурдир. Бундан ташқари, оқжўхори бошқа экинларга қараганда ширали, поялари қанд моддалари кўп бўлади. Оқжўхори барглари ҳамиша кўмкўк бўлиб туради ва моллар уни иштаҳа билан ейди. Оқжўхори бошлари йиғиштириб олинганидан кейин унинг поясидан ширали, витаминга бой силос бостириш мумкин.

Кўп йиллик кузатишлар ва тажрибаларга кўра, биз оқжўхори уругини қуйидаги тартибда саралаш ва асрашни тавсия этамиз.

Тезпишар навли уруғлик оқ жўхори етиштирилаётган участкаларни жўхорини ўриб олишдан илгари ўтоқ қилиб чиқиш, бегона ўтлардан тозалаш зарур. Масалан, «Маткаир» навли оқжўхорини ўраётганда бўйи 2-2,5 метр келадиган жўхори поялариии алоҳида йиғиштириб олмоқ керак. Бунда ҳар бир поядаги жўхори бошидан 250-300 грамм дон олиш кўзда тутилади.

Оқжўхори бошлари моғорлаб кетмаслиги учун кузда уларни тўда-тўда қилиб, узоқ муддатда бир жойда қолдирмаслик керак. Оқжўхори ўриб-йиғиб олингандан сўнг даладан ташиб чиқарилади ва ўша заҳотиёқ махсус майдончаларда яратилади. Бу майдончаларда оқ жўхори 25-30 сантиметр қалинликда тўшалиб, офтобда қуритилади.

Оқжўхори қуритилаётган майдончаларда махсус кишн гурмоғи керак. У оқжўхори бошларини шамоллатиб туради, тунда эса уларни поялари билан бирга қўшиб тўдалайди ва устига брезент ёпиб қўяди. Шундай қилинса, оқжўхори шабнамдан ва бошқа намгарчиликлардан яхши сақланади.

Оқжўхори бошоқлари нормал ҳолатда қуритилганидан кейин шу нав жўхоридан намуналар олиниб, контроль-уруғчилик лабораториясига анализга юборилади. Лаборатория унинг намлик ва униб чиқиш даражасини текширб кўради. Бунда оқжўхори уруғининг намлик даражаси 12-13 процентдан юқори бўлмаслиги керак. Шундан кейин оқжўхори бошлари сараланади, бошларининг оғирлиги ва ҳажмига қараб 70-80 таси бирлаштирилиб боғлаб қўйилади. Ана шу зайлда боғланган оқжўхори бошларини ҳавоси тоза ва қуруқ бўлган омборларда сақлаш лозим.

Сараланган оқжўхори уруғлари ҳужжатлаштирилиб, омбор мудирининг ихтиёрига топширилади. У уруғлик учун масъулиятли киши ҳисобланади. Оқ жўхори уруғи номерлаштириб чиқилади.

Уруғ сақланадиган омборларда ҳавонинг ҳарорати ва намлик даражаси нормал бўлиши керак. Шундай қилинганда уруғ экин экиладиган вақттача яхши сақланиши мумкин.

Экиш олдидан уруғлик оқ жўхори намуналари униб чиқиш ҳусусияти ва намлик даражасини аниқлаш мақсадида тагин контроль уруғчилик лабораториясига жўнатилади. Шундан кейин экила бошланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим хўжаликларда оқжўхори уруғини саралаш ва уни сақлашга етарли эътибор берилмаётир. Баъзи хўжаликларда оқжўхори уруғи пала-партиш сақланади, дони ситиб олиниб, қопларга солинган ҳолда ёки омборга тўкиб қўйилган ҳолда асралади. Бу билан исрофгарчиликка йўл қўйилади, уруғлик тез униб чиқиш хусусиятларини йўқотиб қўяди. Хўжалик анча зарар кўради.

Бундан ташқари ана шундай уруғ сепилганда, чала униб чиқади. Бинобарин, гектарлар тўлиқ бўлмайди. Бу, ўз навбатида олинадиган хосилнинг камайиб кетишига таъсир кўрсатади.

Оқжўхори уруғига ана шундай муносабатда бўлиш кечирилмас бир ҳолдир. Илғорлар тажрибаси, фан ютуқларига қатъий амал қилиб, оқжўхори уруғини саралашга жиддий эътибор бериш ва уни асрашни яхши уюштириш зарур. Оқ жўхори бошлари боғланиб, омборларда осиглиқ ҳолда сақланганда уруғ 84-98 процент униб чиқиш қобилиятига эга эканлигини сира унутмаслик керак.

«Найман», «Уч ойлик», «Қўқон қизил жўхориси» ва бошқа навларни ҳам худди шундай саралаб асраш керак.

«Олти ойлик», «Бой жўхори», «Хўраки 1-Ф», «Чиллаки» каби кеч ва ўртапишар навли жўхорини кузда совуқ тушгандан кейин ўриб-йиғиб олиш тавсия этилади. Бу муддатда жўхори пояларидаги нам қочган бўлади.

Уруғлик оқжўхори юқоридаги қоидаларга асосан қуритилиб, сараланса ва сақланса сифатли уруғлик яратиш учун яхши имконият вужудга келади. Оқжўхори экиш билан шуғулланадиган хўжаликларнинг раҳбарлари уруғ саралаш ва сақлашда ана шуларга амал қилишлари керак.

Х. МЎМИНОВ,
Ўзбекистон Чорвачилик илмий текшириш институтининг старший илмий ходими, агроном.

М. ҲАСАНОВ,
агроном.

ЧИРЧИҚ—ҒАЗАЛКЕНТ ГАЗ ҚУВУРИ

Чирчиқ—Ғазалкент газ қувури қурила бошланди. Янги трасса қувурларининг дастлабки километрини «Нефтепроводмонтаж» трести иккинчи ихтисослаштирилган бошқармасининг тажрибали пайвандчилари уладилар.

Магистралнинг узунлиги 28 километр, қувурларнинг диаметри салкам 300 миллиметрдир. Ойна, уйсозлик, консерва заводлари ва бошқа корхоналар, шаҳарга яқин колхозлар ана шу магистралдан арзон ёқилғи оладилар.

Ўзбекистоннинг энг ёш шаҳарларидан бири — келажакда республиканинг курорт марказн бўладиган Ғазалкент шаҳри аҳолиси хонадонларида ҳам газдан фойдаланиш мумкин.

Газ қувури қурувчилари бир қанча қийинчиликларни бартараф қилишлари лозим. Улар сойлар, каналлар, йўлларни кесиб ўтишлари керак.



АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

БИР КАРАТДА ЮЗ МИЛЛИАРД ДОН

Москва мутахассислари ҳосил қилган янги олмос материалнинг таркибидаги заррачалар микрондан ҳам кичик бўлади. Бир каратда шундай дончалардан камида 500 миллиардини санаш мумкин.

Синовлар шуни кўрсатдики, микрондан ҳам кичик олмос порошоклар шундай типдаги бошқа материалларда бўлмайдиган хоссаларга эга экан. Бу порошоклар германий ва кремнийдан ясаладиган, приборсозлик ва радиоэлектроникада кенг қўлланиладиган қимматбаҳо деталларни ишлашда тенги йўқ бўлиб чиқди.

Шу чоққача деталларга хром оксиди ва бошқа моддалар билан сайқал берилар эди. Бу мураккаб ва сермеҳнат ишни бажариш учун, аслида камида бир ҳафта вақт сарф бўлар эди.

Германий ва кремнийдан ясалган деталлар янги олмос порошок ёрдами билан сиртининг тозалиги атиги бир неча соат ичида, юқори, ўн тўртинчи даражага етказилади.

Шунисн муҳимки, табиий ва сунъий олмосни механик усулда ишлашдан ҳосил бўладиган ва илгари фойдаланилмай келган чиқиндилар янги материал учун хом ашё ролини ўтайди.

КВАРТИРАЛАРДА ТЕЛЕСКОПЛАР

Ўз телескопларини ясаб олиш кўпгина совет кишиларининг эрмаги бўлиб қолмоқда, дейилди ТАСС мухбирига Бутуниттифоқ астрономия-геодезия жамиятида. — Москвага линзалар юборишни сўраб ёзилган хатлар келмоқда. Ун бешта совет шаҳрида телескопсозларнинг группалари тузилди. Москвада қирқа яқин киши ўзига телескоп ясаб олди.

Ҳаваскор астрономлар орасида Большой театрнинг директори профессор М. Чулаки бор. Профессионал рассом М. Шемякин москвалик телескопсозларга раҳбарлик қилмоқда. У ўз қўли билан ясаган телескоп ёрдамида ой сатҳининг деталларини тадқиқ этиб, бундан илгари битта ҳам профессионал селенолог кўрмаган нарсани — ойдаги кратерларнинг ўзига хос занжирларини топди. Ой хариталарини тузиш вақтида унинг иши ҳисобга олинди.

ФИЛ ТУЛУПИДАН ТОПИЛГАН НАРСА

СССР Фанлар академиясининг зоология музейига С. М. Киров номли ҳарбий-медицина академиясидан бир совға келди. Бу — неча ўн йиллар мобайнида нормал анатомия кафедраси биносининг эшиги ёнида турган ҳинд филининг тулупидир.

Унда бўйи уч метрдан ошадиган тулупни бино ичидан ташқарига олиб чиқишнинг иложи бўлмади. Уни музейга келтириш учун арралаб бўлакларга ажратишга тўғри келди. Шунда филнинг танаси ичидан бир махфий чўнтак топилди. Бу экспонатнинг қандай қилиб бинога келганини кўрсатувчи ҳужжатлар солинган пакет бор экан. Маълум бўлишича, филнинг тулупи 1863 йилда петербурглик ҳайкалтарош-рассом Иван Грейзер раҳбарлигида Россияда ясалган экан.

БАРОМЕТР — ҚУДУҚ

Қозоғистоннинг Усюрт лсси тоғлигида об-ҳавонинг қандай бўлишини олдиндан «айтиб берадиган» эски бир қудуқ бор. Емгир ёғиши, туман тушиши ёки қор ёғиши олдидан у ҳавони ўзига тортади, ҳаво очиқ бўлиб, қор, ёмғир ёғмаган, офтоб чиқиб турган кунларда эса, аксинча, ҳавони ташқарига суриб чиқаради.

Шундай пайтларда қудуққа ташланган телпак сувга етиб бормай, ташқарига отилиб чиқади.

Йўнма оҳак тош гувалалардан ишлаб чиқилган бу антиқа қудуқ гурьевлик чўпонларга табиий барометр бўлиб хизмат қилмоқда. У, об-ҳавонинг айнишини ҳамма вақт тўғри билдириб туради.

ШАФФОФ БАЛИҚЛАР

Куросио номли иссиқ оқим районида океанографик ишларини бажарган «Жемчуг» тадқиқотчилик кемасидаги экспедиция океандан Владивостокка бир талай ўлжалар ола қайтди. Бу ўлжалар орасида шаҳли ландиш гулининг баргига ўхшаш шаффоф балиқчалар ҳам бор эди. Шишасимон балиқчалар угорь балигининг уруғлари экан. Бу уруғлар ғалати тусга киради. Катталиги бўйларидан кейин дарёларга оширди. Шундан сўнг эса, ўз аждодлари сингари узоқ саёҳатга — Саргас денгизига йўл олади. Одатда бутун планетамиздаги катта ёшли угорь балиқлари тухум сочиш учун ўша денгизга тўпланади.

ЛОМОНОСОВ МУШАКЛАРИ

Олимлар 18-аср ўрталарида Петербургда ўтказилган ажойиб мушакбозликларнинг тафсилотлари билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Ленинград тарих музейи фондларидан акварель билан чизилган бешта ноёб сурат топилди. Бу суратларни «бош артиллерия ва истеҳкомлар конторасининг рассомлари ишлаган.

Топилган суратларни ўрганиш натижасида буюк воқеалар шарафига ўтказилган ана шу мушакбозликларнинг лойиҳаларини М. В. Ломоносов тузиб берганлиги аниқланди.

(ТАСС мухбири).

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ПАРТИЯ ТУРМУШИ»

Журналнинг ноябрь сонида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVIII пленумининг Ўзбекистон Коммунистик партиясининг навбатдаги XVII съездини чақириш, КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг якунлари ва республика партия ташкилотининг саноатни бошқаришни яхшилаш, планлаштиришни такомиллаштириш, саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш соҳасидаги вазифалари тўғрисидаги қарорлари эълон қилинган.

Бу сонда «Улуг Октябрь қуёши остида» сарлавҳали бош мақола, «КПСС XXIII съезди шарафига» рубрикаси остида Ўзбекистон КП Янгиариқ райкомининг секретари Р. Шаниконинг «Қувончли якунлар», В. Зименконинг «Фирма янгича ишламоқда», В. Полвоновнинг «Истиқболни кўзлаб», Л. Корсунскийнинг «Съезд олди вахтасида» сарлавҳали мақолалари босилган.

Журналнинг «Шу куннинг темасида» бўлимида «Пленум материалларини кенг пропаганда қилайлик» сарлавҳали редакцион мақола ҳамда КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми материалларига оид лекция, суҳбат, доклад ҳамда оммабоп мақолалар тематикаси берилган.

«КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини амалга оширайлик» рубрикаси остида Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг биринчи секретари М. Абдураззоқовнинг «Жанговар ҳаракат программаси», Ўзбекистон КП Андижон шаҳар комитетининг секретаря В. Поведконинг «Партия ташкилотлари ва техника тараққиёти», «Ўзбексельмаш» заводининг директори Н. Мирзараҳимовнинг «Кейс уфқлар» сарлавҳали мақолалари ҳам журнал саҳифасидан ўрин олган. Булардан ташқари, журналнинг «Марксизм-ленинизм университетлари пропагандистлари ва тингловчиларига ёрдам», «Бошланғич партия ташкилотлари иш тажрибасидан», «Идеология иши ва ҳаёт», «Хат ва хабарлар», «Партия хроникаси» бўлимларида ҳам кўпгина қизиқарли материалларни ўқиш мумкин.

ЎЗБЕК ҚЎШИҚЛАРИ ЯНГРАМОҚДА

Ўзбекистон давлат филармониясининг хор капелласи артистлари ўзбек қўшиқларини узоқ Болтиқ бўйига олиб келдилар. Ўзбек куйлари Эстония, Латвия, Литва шаҳар ва қишлоқларининг театрлари ва концерт залларида салкам икки ой янграб туради. Улар Болтиқ бўйи аҳолисига ўз юрти ҳақида ҳикоя қилади.

Ўзбек қўшиқларини киевликлар ҳам тинглайдилар. СССР Халқ артисти С. Қобулова ва республика халқ артисти А. Азимовлар ижросида ўзбек қўшиқлари Украина шаҳар ва қишлоқларида янграйди. (ЎзТАГ).

КИШИ КИШИГА ДЎСТ, ЎРТОҚ ВА БИРОДАР

ВАФОДОР

Муаззам ишга ҳаммадан барвақт чиқар, нормадан ошириб пахта терарди. Чаққон ва серҳаракат ёш қизнинг номи «Ҳурмат тахтаси»дан тушмасди. Дугоналари, бригада аъзолари меҳнатсевар қизни ҳурмат билан тилга олардилар. Бир кун бригада табелчиси Маматқул уни далада ёлғиз учратиб қолди ва «Бир умрлик ёрим бўлинг» деди. Уятдан Муаззам ҳеч нарса демади. Ундан на ҳа, на йўқ деган садо чиқмади.

Эртаси хирмонда Муаззам яна Маматқул билан учрашди. Маматқул табелни кўздан кечира туриб, қизга гап ташлади:

— Кечаги масалага на «ҳа», на «йўқ» демадингиз. Очиқ айтсангиз, натижасини билиб олсам.

— Қанақа масала экан? — деди, қиз ҳеч нарсани билмагандек. Табелчи яна кечаги илтимосини қайтарди.

Қиз пиқ этиб кулди. Табелчи йигит хаёлга чўмди. У, ўз-ўзига «онаси мақтаган қизни олма, эл мақтаган қиздан қолма» дея, қизнинг меҳнатсеварлигидан ҳам, гўзаллигидан ҳам қувонарди.

Йигит тўй тараддудига киришган пайтда бирдан уни армия хизматига чақириб қолишди. Бу — улуг Ватан урушининг энг даҳшатли кунлари, 1942 йилнинг ёз ойлари эди.

Маматқулнинг ака-укалари, ёр-дўстлари уни жўнатиш учун қишлоққа тўпландилар, эсон-омон бориб келиш истагини билдирдилар. Муаззам ҳам оқ йўл тилаб қолди. Йигит севгилиси Муаззамнинг кўзларига боқиб, «Дўст дўстни кулфатда синар, дийдор кўришгунча хайр, ёвни енгиб, омон қайтсак, учрашармиз», деди.

Маматқул бир группа ҳамқишлоқ тенгқурлари билан ҳаракатдаги армия сафига жўнаб кетди. Қисмларда ҳарбий таълим олгач, Калинин фронтидаги қўшинлар сафига кирди. Немис-фашистларга қарши шиддатли жангларда қатнашди. Фронтнинг олдинги марраларида бўлиб, шиддатли ҳужумларни қайтаришда, душманга кучли талафот етказишда жасорат кўрсатди. Кўп марта фронт қўмондонлигининг ташаккурномаларига сазовор бўлди. «Қизил Байроқ» ордени ва жангоар медаллар билан мукофотланди.

Ботир жангчи Маматқул енгил яралар бўлиб тузалгач, уни Ленинград фронтига юборишди. Қаҳрамон Ленин шаҳри учун бўлган жангларда қатнашиб, икки оёғи ва қўлидан оғир яралар бўлди. У, икки кечаю икки кундуз ҳушсиз, дармонсиз ётди. Врачлар, ҳамшираларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун кўп куч сарфладилар. Маматқул барча азобларга тишини тишига қўйиб бардош берди. Тугилган қишлоғидаги Муаззамдан келган хатлар йигитнинг кўнглини кўтарди.

Дала госпиталида Маматқулнинг соғлиғи анча яхшиланганидан кейин уни Москвадаги шифохоналардан бирига юборишди. Маматқул бу ерда беш ойча даволанди, Анча соғайиб қолди. Шундан кейин у 1944 йилнинг июль ойида жонажон юрти Ўзбекистонга қараб йўл олди. Ўзи тугилиб ўсган Ургут районидаги Максим Горький номли колхозга қайтиб келди.

Она-Ватан ҳимояси учун қўлоёғидан ажралган Маматқул Қурбоновни ҳамқишлоқлари, қариндошлари қучоқ очиб кутиб олдилар. Ана шу кутиб олувчилар орасида мард жангчининг севгилиси Муаззам Ваҳобова ҳам бор эди.

Колхозчилар ва район ташкилотлари Маматқул Қурбоновга яхши шароит яратиб бердилар. Уни транспорт билан таъминладилар. У Муаззамни кўча қўйларда кўра оладиган, суҳбатлаша оладиган бўлиб қолди. Маматқул, сафдил қиз Муаззам билан қандай тил топганлиги тўғрисида шундай ҳикоя қилади:

— Мен фронтдан қўл-оёғимдан ажралиб қайтгач, Муаззам билан турмуш қуриш бахтини сира-сира ўйламаган эдим, кўплар қаторида кутиб олишини хаёлимга келтирмаган эдим. Бир куни фойтунда уйга қайтаётганимда қаршимдан Муаззам чиқиб қолди. Тўхтадим. Фойтунга таклиф этдим. Ёнимда ўтирди. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Турмуш ҳақида гап бошладик. Шу-шу бўлдики, иккимиз яна топишиб қолдик. . .

Шундай қилиб йигирма икки йилдан буён Муаззам Ваҳобова чин юракдан севган ёри Маматқул ака билан бирга. У турмуш ўртоғи Ватанимиз учун жонини аямаганидан фахрланади. Зарур бўлиб қолса, уни кўтариб юради. Қиш кунлари вафодор аёл Маматқул акани у ийдан бу уйга олиб чиқади, ёз кунлари эса у жойдан бу жойга элтади. Уйқуси келса ётқизади, уйғонса кийинтиради. Эрталаб, тушда, кечқурун овқатлантиради.

— Турмуш қилган дастлабки йилларда,— деди Муаззам опа, — баъзи одамлар кўп-таъналар қилишди, ёш бошингга ташвиш орттирдинг, дейишди. Мен ўринсиз таъналарга сира қулоқ солмадим. Онангни кифтингга тутсанг, синглингни бошингга тут дегандек, мен умр йўлдошим Маматқул акангизни улардан зиёд қилиб ардоқлайман.

Ҳозиргача Муаззам опа етти фарзанд кўрди. Умр йўлдошига қараш билан бирга болаларни ўстирянти. Тўнғич фарзанди — Холмурод катта йигит бўлиб қолди. У шофёр. Ундан кейинги қизи Мухайё қишлоқ мактабида, Ғулом билан Малика Ургут район марказидаги 22-мактаб-интернатда ўқишади. Жамол билан Салимжонлар колхоз қошидаги болалар ясли, боғчаларида тарбияланяпти. Энг кичик фарзандлари — Муҳаррам эндигина бир ёшга тўлди.

Муаззам опа кўп болали она бўлгани учун, Маматқул ака эса Ватан урушининг инвалиди эканлиги учун давлатдан ёрдам олишади. Колхоз бу иноқ оилага томорқа, кўпхонали кўркам уй қуриб берган. Опла аъзолари уйда радио ва телевизордан мамлакатимиздаги жаҳондаги янгиликларни билиб туришади.

Оила аъзолари икки-уч йилдан бери колхоз, дала ишларига ҳам қатнашмоқдалар. Бу йил онлакки қути пилла қурти боқиб, 145 килограмм юқори сифатли пилла топширди. Оила аъзолари тамакичилик звеноси тузиб, 0,5 гектар майдондан 1500 килограмм биринчи сорт тамаки барги етиштиришди.

Яқинда оиланинг катта фарзанди Холмурод уйланди. Тўй янгича ўтди. Маматқул ака ва Муаззам опа келин кўрдилар. Ҳадемай улар неварали бўлишади. Ҳозир, бахтли турмушдан Муаззам опа билан Маматқул ака ҳам, бутун Юқориғар қишлоқ меҳнаткашлари ҳам жуда миннатдор. Муаззам опанинг инсонга ҳурмати голиб чиқди. Улар эл орасида обрў-иззат топишди.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Сергайрат дурадгор Қ. Зокиров шу кечакундузда пойтахтнинг Шота Руставели кўчасидаги ўқаватли уй-жой биноси қурилишида ишламоқда. Смена топшириқларини ҳамиша ортиғи билан бажаришга мунтазам равишда эришиб келаётган Қ. Зокиров ўзининг ана шу ишончли меҳнати билан ўртоқларининг ҳурматини қозонган.

А. Тўраев фотоси.

САТРЛАР

Тошкент ГРЭСи масъулларининг ташаббуси билан электр станциясининг ҳудудида ёзги бассейн ҳамда енгил атлетика манежини қуришга тайёргарлик кўрилмоқда.

Э. Тўлаганов.

⊙

Боёвут районининг Димитров посёлкасида медицина ҳамширалари тайёрловчи 2 йиллик курс очилди.

М. Турсунбоев.

⊙

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги «Пахтакор» маҳалласида жамоатчилик кучи билан К. Маркс номли, Қуёш нури, Уйғур, Литературная, Улугбек номли кўчаларга асфальт ётқизилди.

Шунингдек, медицина пункти, новвойхона, сартарошхона, қариялар уйи қурилди. Яқинда янги озиқ-овқат магазини очилди, маҳалланинг катта клуби капитал ремонтдан чиқарилди.

О. Сайдаминов.



БАХТЛИ БИЛЕТ

Москва районидаги «Победа» колхозининг механизатори Ҳайдарали Мамаюсупов 5-пул буюм лотереяси билетига «Москвич» енгил автомашинаси ютди.

Х. Қосимов.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ОММАВИЙ ИШЛАР ВА ХАТЛАР БЎЛИМИДА

Редакция кеча ишчи-деҳқон мухбирларидан 75 хат, 4 фотосурат, 3 шикоят олди. Шикоятлар тегишли ташкилотларга текшириш учун юборилди. Қолган хат-хабарлар, фотосуратлар тегишли бўлимларга чиқарилди. Қуйида кечаги почта материалларидан намуналар ўқийсиз.

«ҚИЗИЛРАВОТ» ШОЛИСИ

КПСС XXIII съезди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган Ромитан районидаги «Қизилравот» совхозининг шоликорлари катта зафар қучдилар. Улар ҳозиргача давлатга 500 тоннадан зиёд шоли топширнб, шоли тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар.

Совхоз шоликорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлат омборига яна 507 тонна шоли тўкиш мажбуриятини олдилар. Шу кунларда совхоз далаларида шоли ўриш ва уни янчиш қизғин давом этмоқда.

Т. Назиров.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СОВҒА

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларини изчиллик билан амалга ошириб келаётган Задарё районидаги «Гулбог» пахта тозалаш заводининг аҳил коллективи етти йиллик планни муддатидан илгари адо этди. Завод пландаги 23484 тонна ўрнига 25772 тонна тола ишлаб чиқарди. Бу коллективнинг съездга муносиб совғасидир. Завод ҳозир 1966 йил ҳисобига маҳсулот тайёрламоқда.

Б. Маҳмудов.

НУРОТАЛИКЛАРДАН РУҲЛАНИБ

Иштихон районидаги «Ўзбекистон» колхозининг чорвадорлари Нурота район чорвадорларининг чақиригидан руҳланиб меҳнат ғайратини оширіб юбордилар. Улар молдор туғқини кўпайтириш планини 105 процент бажардилар. Шунингдек, гўшт, сут, жун, тери тайёрлаш йиллик планини ҳам анча ортиғи билан адо қилдилар.

С. Хўжаев.

ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ

Тельман номли колхознинг Шерматобод қишлоқ посёлкаси тобора шаҳарча тусини олмоқда. Яқинда 20 дан зиёд колхозчи хонадонида ҳовли тўйлари ўтказилди.

О. Шодмонов,
Избоскан район.

ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН

Қўқон шаҳар аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш комбинати аёллар учун ажойиб сартарошлик салонини тухфа этди. Салонга «Ёшлик» номи берилди.

Б. Носиров.

ТАРАДДУД

«Ўзбекистон» колхозининг миришкор деҳқонлари район хўжаликлари ичида биринчи бўлиб куэги бугдой экишни тугалладилар.

С. Холматов,
Ўзбекистон район.

ОБЛАСТДА БИРИНЧИ

Ҳазорасп район Хоразм областида биринчи бўлиб обуна тўпланнш муваффақиятли тамомлади. Район меҳнаткашлари 150000 сўмлик газета ва журналларга обуна бўлдилар. Бу ўтган йилгидан 1500 сўм кўп.

Ш. Исломов.

ТОРТИҚ

Тошкентдаги «Юлдуз» фирмаси коллективи республикамиз аҳолиси учун шу кунгача турли фасон ва модаларда 4 миллион 300 мингдан зиёд сифатли костюм, бахор ва яшки пальто, кўйлак тикиб, меҳнаткашларга тортиқ этди.

Р. Акрамов.

* * *

Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларидан Б. Тожибоев (Олмалиқ шаҳри), Р. Қодиров (Хўжабод район), Н. Андақулов (Ургут), С. Бегимқулов, Р. Ботиров, Ш. Сойибўлатов (Ҳарбий қисм), И. Жўманиёзов (Шовот)лар йўллаган хат-хабарларда ҳам актуал масалалар кўтарилган.

Бугун Нюрнберг процесси бошланганига 20 йил бўлди

ТАРИХ САБОҒИ

Р. РУДЕНКО,
СССР бош прокурори.

◆ ◆

Бу йил совет халқи жаҳондаги барча халқлар билан бирга гитлерчилар Германияси тор-мор қилинганлигининг 20 йиллигини нишонлади. Бу урушда асосий оғирлик Совет Иттифоқи халқлари елкасига тушганлиги ҳаммага маълум. Бутун дунё Совет Армиясининг мардона қаҳрамонона курашини кузатиб турди ва Совет Армиясига таҳсин ўқиди.

Фашист Германиясининг тор-мор келтирилганлиги халқаро Ҳарбий трибунал ёки, бошқача қилиб айтганда, бош ҳарбий жиноятчилар устидан Халқлар судини таъсис этиш учун шароит яратди. Шуни эслатиб ўтмоқчиманки. Потсдам битимига мувофиқ Лондонда тўрт давлат — Совет Иттифоқи, АҚШ, Буюк Британия, Франция ўртасида бир битимга келинган ва бош ҳарбий жиноятчилар устидан суд таъсис этилган эди. Ўшандаёқ Халқаро ҳарбий трибуналнинг Устави ишлаб чиқилган. Устав трибуналнинг юристдикциясини белгилаб берган. Бу трибунал бош ҳарбий жиноятчиларни суд қилиши ва жазолаши лозим эди. Бош айбловчиларнинг комитети ҳам тузилди. Шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, иттифоқдош мамлакатларнинг социал тузуми турлича бўлишига қарамай, бош айбловчилар суд процессининг охиригача уюшқоқлик ва бирдамлик билан ҳаракат қилдилар.

1945 йил 18 октябрда Берлинда Халқаро ҳарбий трибуналнинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлис айбномани тасдиқлади ҳамда суд процессини 20 ноябрда бошлаш ва уни фашистлар ўз парадлари ва съездларини ўтказган, фашистлар халқларни қулликка солиш ва қириб ташлаш планларини тузиб чиққан Нюрнберг шаҳрида ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Бу процесс тарихга Нюрнберг процесси номи билан кирди. 24 бош ҳарбий жиноятчи суд қилинди. Шунингдек, трибуналнинг кўриб чиқиши ва жиноий деб топиш учун нацистлар партиясининг раҳбарлик состави: генштаб, СС, гестапо, СА, СД, империя кабинети каби ташкилотлар ҳам судга берилди.

20 ноябрда Нюрнбергда жамоатчиликнинг жуда кўп вакиллари, жаҳон даги барча агентликларнинг мухбирлари иштирокида суд процесси бошланди. Бу агрессия ва агрессорлар устидан бошланган тарихда биринчи суд эди. Бутун бир давлатни эгаллаб олган ва давлатни ўз жиноятлари қуролига айлантирган жиноятчилар тарихда биринчи марта суд олдида жавоб бердилар. Тарихда биринчи марта жиноятчиларнинг ўзларигина эмас, балки жиноятчи ташкилотлар ҳамда инсониятга қарши олдиндан белгилаб қўйилган агрессив ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида тарқатилган жиноий идеялар ҳам суд қилинди.

Маълумки, суд процесси ўн бир ой давом этди. 403 очиқ суд мажлиси ўтказилди. Айбланувчилар ва қўплаб гувоҳлар сўроқ қилинди. Трибуналга кўриб чиқиш учун топширилган ҳужжатлар сақифалар билан эмас, балки тонналаб ўлчанар эди. Бу ўз ёвузликларини қадамба-қадам ёзиб борган фашист рейхи бошлиқларининг асл ҳужжатлари эди. Улар суд олдида жавоб берамиз деб ўйламаган, ғолиб чиқамиз деб ўйлаган эдилар. Бу ҳужжатлар тарих суди қўлига топширилди ва улар тарихда мисли кўрилмаган ваҳшийликларни фош қилиб ташлади.

Ҳимоя тўғрисида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Нюрнберг процессидаги ҳимоя фашизмнинг сўнгги мудофаа линияси бўлди. Ҳимоячилар фашизмни оқлаш, ишнинг моҳиятидан эътиборни четга тортиш учун ҳамма воситалардан фойдаланди. Чунончи, ҳимоячилар, трибунал гитлерчи ҳарбий жиноятчиларнинг ишини кўришга ҳаққи йўқ, жиноятчилар ўз халқи олдида жавоб бериши, герман давлати қонунларига мувофиқгина жазоланиши мумкин, дедилар. Трибунал ранси бу масала юзасидан мунозара бошлаб ўтирмади. У ҳарбий трибунал Уставига мувофиқ судга ваколат берилган ва жиноятчилар ишини кўриб чиқади, деб қатъий айтди.

Ҳимоянинг биринчи уриниши барбод бўлгандан сўнг у «қонунда кўрсатилмаган нарса жиноят ҳисобланмайди» деб янги йўл тутди. Ҳимоя суд тўғрисидаги битим 1945 йил августида тузилган. Германия уруш бошлаганда бундай қонун йўқ эди, шу сабабли бош ҳарбий жиноятчиларни ана шу қонунларга мувофиқ суд қилиш мумкин эмас. Келажакда яна шундай урушлар бошланадиган бўлса, бу қонунни қўлланса бўлади деган сохта далилни келтирди. Халқаро трибунал Устави кўпгина давлатлар томонидан қабул қилинган мавжуд шартномалар, битимлар асосида тузилган. Ниҳоят ҳар бир маданиятли давлатда қотиллик қонунига мувофиқ жазоланади. Уставда эса барча давлатлар томонидан тан олинган принцип ўз ифодасини топган. Шу сабабли ҳимоячиларнинг далили асоссиз эди.

Ҳимоя процесси чўзиш учун қанча уринмасин, трибуналга тақдим этилган ва ҳарбий жиноятчиларни фош қилувчи исботлар олдида ожиз эди.

Стол устига «Барбаросс плани» қўйилган бўлса, ҳимоя нима ҳам қила олар эди? Бу — кучларни тақсимлаш планигина эмасди, бу — Совет Иттифоқи халқларини қулликка солиш, талаш плани, бедодлик, ҳуқуқсизлик, талон-торож плани эди. Унга Кейтель, Йодл қўл қўйган ва Гитлер тасдиқлаган эди. Босқинчилар Совет Иттифоқи территориясида қилган ваҳшийликларини исботловчи материаллар билан бирга ана шу планнинг асл нусхаси ҳам судга топширилган эди.

Бундай шароитда ҳимоячилар нима ҳам қила оларди? Судга Польша халқининг жаллоди Ганс Франкнинг кундалик дафтари тақдим этилган эди. Ганс ўз «таассуротлари»ни ёзиб борган бўлиб, кундалик 36 том, 10 минг саҳифадан ортиқроқ эди. Прагада фашизмга қарши курашган 7 студентнинг қатл этилишига доир бир жойини келтириб ўтаман. Шу муносабат билан Франк қуйидагиларни ёзган эди: «Шаҳарда бугун етти киши отиб ташланганлиги ҳақида плакатлар осиб қўйилди. Шунда мен агар отиб ташланган ҳар етти кишига бағишлаб плакат осадиган бўлсак, плакатлар учун қоғоз тайёрлашга Польшадаги дарахтлар етмас эди дедим».

Ҳарбий жиноятчи Р. Гесс билан фамилияси бир хил бўлган Освенцим лагерининг собиқ коменданти Рудольф Гесс ҳимоя гувоҳи эди. У Освенцим лагерида 3 миллионга яқин киши қириб ташланганлигини тан олишга мажбур бўлди. У концлагерлар одамларни мумкин қадар қўпроқ ўлдириш учун жаллодлар ва тажриба алмашиб турганини айтиб берди. Унга Гиммлернинг шахсан ўзи йўл-йўриқ берганлигини. Кальтенбруннер ва бошқа бош нацистлар лагерга келиб, газ камераларида одамларнинг қандай қийналиб ўлишини томоша қилганликларини айтиб берди. Гесс ана шу ҳақда қисқа қилиқран, ҳимоя гувоҳидан Кальтенбруннерни айбловчи гувоҳга айланди.

Судланувчилар олдин ҳамма айбни Гитлер, Гиммлер, Геббельсга тўнкашга уриндилар, аммо ҳужжатлар уларни фош қилди, улар ўз ваҳшийликларини тан олишга мажбур бўлдилар.

Трибунал 1946 йил 1 октябрда 12 ҳарбий жиноятчини осиб ўлдириш ҳақида ҳукм чиқарди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Нюрнберг трибуналининг бу ҳукми ҳозир ҳам катта аҳамиятга эга. Бу ҳукм шуниг учун катта аҳамиятга эгаки, Бонн маъмурлари, милитаристлар, реваншчилар гитлерчилик руҳини тиклашга уринмоқдалар. Шу йилнинг бошларида ГФР ҳукумати нацист жиноятчиларни таъқиб этишни бутунлай тўхтатишга уриниб кўрди. Бутун дунё жамоатчилигининг газаби, норозилиги, Ғарбий Германия ҳукуматини ўз ниятидан қайтишга ва нацистларни таъқиб этиш муддатини 1969 йил 31 декабргача узайтиришга мажбур бўлди. Албатта бу юридик найрангдир. Оммавий ўлдиришлар тўғрисида гап борганда, халқаро ҳуқуқ нормалари ҳеч қандай «муддат» деган нарсани билмайди. Инсониятга қарши бундай катта жиноятга нисбатан миллий қонунларни қўлланиб бўлмайди. Агар миллий қонунлар тўғрисида гапирилганда, Ғарбий Германия конституциясининг ўзида, 25-моддада гарчи миллий қонун халқаро ҳуқуқ нормаларига қарама-қарши бўлиб қолса, халқаро ҳуқуқ нормалари амал қилади деб ёзиб қўйилган. Халқаро ҳарбий трибуналнинг ҳукми эса 1946 йил декабрида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан маъқулланган.

Маълумки, ҳарбий жиноятчилар Ғарбий Германиядан бошпана топмоқдалар. Боннда юстицияси уларга ҳомийлик қилаётганлиги ҳаммага маълум. Нацист жиноятчиларни фош этиш бўйича бошқарма деб аталган ташкилотга Эрвин Шюле бошчилик қилмоқда. Унинг ўзи оғир ҳарбий жиноятлар қилган кишидир.

Иттифоқчи давлатлар бошлиқларининг 1943 йил Декларациясида ҳамма жиноятчилар, улар қаерга яширинмасинлар Халқлар суди олдида жавоб бериши керак дейилган. Аммо ҳозир бундай жиноятчилар Ғарбий Германияда дориламон юрибди. ГФР ҳукмрон доиралари тарих сабоғини унутиб, ядро қуролига интилмоқдалар. Гитлер ҳокимият ўстига келгач. Компартияни тақиқлаб қўйган эди. Улар ҳам Коммунистик партияни тақиқлаб қўйдилар ва барча прогрессив ташкилотларни таъқиб остига олмоқдалар.

Шу муносабат билан Нюрнберг процессида судланувчи Зейсс-Инквартнинг сўнгги сўзида айтган гапларини келтириб ўтиш ўринлидир: «Германия ўз манфаатларини кўзлаб, уруш бошламаслиги керак, шуни кузатиб боришсинки, токи ҳеч ким унинг қўлига қурол тутқазиб қўймасин».

Нюрнберг процесси яна шуниг учун ҳам катта аҳамиятга эгаки, ҳозир Америка агрессорлари Вьетнамда жиноят қилмоқдалар, напалм, заҳарловчи моддалар, уруш олиб боришнинг барча таъқиқлаб қўйилган воситаларини қўлланмоқдалар, аслида халқаро ҳарбий трибунал Уставига мувофиқ жазоланиши лозим бўлган жиноятларни қилмоқдалар.

Жаҳон жамоатчилиги Нюрнберг процессининг 20 йиллигини аҳамиятини таъкидлаш билан бирга, фашизм тарафдорлари ва уларнинг ҳомийларига: тарих сабоғини унутманг, Халқлар суди якунини унутманг, демоқда. Жамоатчилик огоҳлантираётир: Нюрнберг процессини унутманг, Нюрнберг трибунали ҳукми эсингизда бўлсин! (АПН).

МЕҲНАТ РЕЗЕРВЛАРИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ

Тишли ғилдирак устида чағишиб турган болға билан гайка калити — Меҳнат резервларининг эмблемасидир. 19 ноябрда шу эмблема Навоий номли ўзбек давлат академик опера ва балет театрининг сахнасида олтин жило бериб товланди. Профессионал-техника таълими давлат системасининг 25 йиллигига бағишлаб шу ерда ўтказилган тантанали йиғилишга завод ва фабрикалар, совхозларнинг, ўқувчилар коллективларининг жуда кўп вакиллари келишди.

Республика Меҳнат резервлари шу давр ичида шонли йўлни босиб ўтди. Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги профессионал-техника билим юртларида ёшларга 112 хил касб ўргатилмоқда. Чорак аср мобайнида Меҳнат резервлари халқ хўжалигининг барча тармоқларига 300 мингга яқин ёш ишчи тайёрлаб берди. Буларнинг орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари оз эмас.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Профессионал-техника таълими давлат комитетининг раиси Х. З. Калонов ўз докладида ана шуларни гапириб берди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг профессионал-техника таълими ходимлари ва ўқувчиларига табрикномасини гулдурос қарсаклар остида ўқиб эшиттирди. СССР Министрлар Совети Профессионал-техника таълими давлат комитети раисининг ўринбосари В. А. Саюшев, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Д. С. Едгоров, республика профессионал-техника билим юртларининг ўқувчилари, собиқ талабалари ва бошқалар Меҳнат резервлари амалга ошираётган катта-катта ишлар тўғрисида гапирдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин Меҳнат резервлари ходимларидан катта бир группасига СССР орден ва медалларини, республика Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқларини, шунингдек «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвони бериш тўғрисидаги ёрлиқларни тантанали вазиятда топширди. (ЎзТАГ).

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Қашқадарё ва Сурхондарё областлари ҳамда Фарғона водийсининг айрим жойларида ёғингарчилик бўлади. Ўзбекистоннинг қолган территорияларида эса ҳаво булутли бўлиб, ёмғир ёғмайди. Секундига 5-10 метр тезликда шамол эсиб туради. Ховсда шамолнинг тезлиги секундига 15-20 метрга етади.

Қорақалпоғистон АССРда ва Хоразм областида ҳарорат 0 даража атрофида бўлади, қолган областларда 2-7 дараже иссиқ бўлади. Жануб томонда эса ҳарорат 13 даражагача кўтарилади.

Тошкентда ҳаво булутли бўлиб, 2-4 даража иссиқ бўлади.

ПЛАНЕТАМИЗДА

СОВЕТ — ҲИНДИСТОН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ

Ҳиндистон ҳукуматининг молия министри Т. Т. Кришнамачари 9 ноябрдан 17 ноябрга қадар СССРда бўлди. Уни СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин ва СССР Олий Совети президиумининг раиси А. И. Микоян қабул қилдилар.

Ҳиндистон молия министри СССР Госпланининг раиси, Министрлар Совети раисининг ўринбосари Н. К. Байбаков, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва бошқа расмий кишилар билан суҳбатлашди.

Суҳбатлар дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди. Т. Т. Кришнамачари Совет Иттифоқи томонидан кўрсатилаётган иқтисодий ва техникавий ёрдам учун Ҳиндистон ҳукумати ва халқи номидан қизғин ташаккур айтди.

Ҳиндистоннинг IV беш йиллик плани даврида Совет—Ҳиндистон иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш, шунингдек товар оборотини кенгайтириш масалалари устида фикрлашиб олинди.

СССРнинг техника ёрдами билан Ҳиндистоннинг давлат секторида қурилган объектларни ишга тушириш учун зарур ускуналарни, комплектлатадиган буюмларни ва шу кабиларни коммерция шартлари билан Ҳиндистонга етказиб беришни кенгайтиришни таъминлайдиган чоралар тўғрисида келишиб олинди.

Ҳиндистон молия министри Совет Иттифоқида бўлган вақтида ўзининг ва ҳамроҳларининг самимий ва дўстона кутиб олинганлиги учун, ҳар иккала томонни қизиқтирувчи масалалар устида фойдали ва самарали суҳбатлар ўтказилганлиги учун зўр ташаккур изҳор қилди.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА

НЬЮ-ЙОРК, 18 ноябрь. (ТАСС). Жанубий Родезиядаги хавфли аҳволни муҳокама қилишни давом эттираётган Хавфсизлик Кенгашининг кечаги мажлисида Англия ташқи ишлар министри Майкл Стюарт сўзга чиқиб, Хавфсизлик Кенгаши Смитнинг қонунга хилоф режимига қарши иқтисодий чоралар кўриш тўғрисида шу вақтгача қарор қабул қилмаганлигидан ва Англия ҳукумати мўлжаллаб қўйган чораларни қувватламаганлигидан нолиб гапирди. Африка давлатларининг доираларида шуни таъкидламоқдаларки, Жанубий Родезия ирқчиларини жиловлаб қўя оладиган қатъий чоралари Хавфсизлик Кенгашининг тезроқ маъқуллашига Англия делегациясининг ўзи қаршилик қилмоқда. Англия делегацияси билан Африка давлатларининг Хавфсизлик Кенгашидаги вакиллари ўртасида беш кундан бери давом қилаётган консультациялар вақтида Англия вакиллари Африка давлатларининг резолюция лойиҳасидаги таклифларни сусайтиришга интилмоқдалар. Мазкур резолюция лойиҳасида барча давлатлар Смитнинг ғайри-қонуний режими билан иқтисодий, дипломатия ва консуллик муносабатларини батамом узиш, Жанубий Родезияга нефть ва нефть маҳсулотлари етказиб беришни тақиқлаб қўйиш ҳамда Жанубий Родезия билан темир йўл, денгиз ва ҳаво йўллари орқали алоқа қилишни ва почта-телеграф алоқасини тўхтатишга даъват қилинган эди. Мазкур лойиҳада Хавфсизлик Кенгашига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 42 ва 43-моддаларида кўзда тутилган барча мажбурий чораларни (шу жумладан, қуролли кучни) ирқчилик режимига қарши қўлланиш тўғрисида қарор чиқариш ҳам тавсия қилинган эди.

Арсен Ашер (Фил Суяги Соҳили) сўзга чиқиб, Англия делегацияси Жанубий Родезия ирқчиларига таъсир ўтказа олмайдиган ва Британия ҳукумати таклиф этган чалачулпа чоралар доираси билан Хавфсизлик Кенгашини чеклаб қўймоқчи бўлаётганлигини кўрсатиб ўтди.

Майкл Стюарт яна сўзга чиқиб, Англия қуролли куч қўлланишга қарши эканлигини таъкидлади. Британия ҳукуматининг фикрича, деди у, Жанубий Родезияда қуролли куч қўлланиш тўғрисида гапириш «ўринсиз ва ақлга тўғри келмайдиган гап» бўлади. Африка делегацияларининг лойиҳасида таклиф қилинаётган иқтисодий чораларга, шу жумладан Жанубий Родезияга нефть ва нефть маҳсулотлари етказиб беришни тақиқлаб қўйишга келганда, бу масалада Англия ташқи ишлар министри бу чораларни кўришдан олдин «бундай чораларни жорий қилиш методларини ва оқибатларини» ўрганиб чиқмоқ учун махсус тадқиқот группаси тузишни таклиф қилди.

Хавфсизлик Кенгашининг раиси делегацияларнинг бир-бирлари билан маслаҳатлашишларини давом эттириш учун мажлисни бир соат тўхтатиб турди.

Танаффусдан сўнг раис «ҳаммага мақбул бўладиган лойиҳани» тузиб чиқмоқ учун делегацияларга қўшимча вақт керак бўлиб қолди, деб эълон қилди. Шу билан Хавфсизлик Кенгашининг эрталабки мажлиси тугади.

ХАЛҚЛАР НОРОЗИЛИК БИЛДИРМОҚДА

МОСКВА. Жанубий Родезиядаги қонунга хилоф Ян Смитнинг ирқчилик режимига қарши Москва университетининг профессорлари ва ўқитувчилари норозилик митинги ўтказдилар. «Жанубий Родезия халқига озодлик», «Мустамлакачилар, Африкадан жўнаб қолинг!» — деган шиорлар остида ўтказилган бу митингда Осиё ва Африкадаги кўпгина мамлакатлардан келиб, пойтахтнинг олий ўқув юртларида ўқиб турган ёшлар қатнашдилар.

Митинг қатнашчилари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретарига ва Африка бирлиги ташкилоти номига ёзилган телеграммалар текстини қабул қилдилар. Улар бу телеграммаларда Ян Смитнинг қонунга хилоф ирқчилик режимини тугатишни талаб қилдилар.

УЛАН-БАТОР. Монголия Халқ Республикасининг ҳукумати Жанубий Родезиянинг ўзбошимчалик билан мустақил деб эълон қилинганлигини Зимбабведаги тўрт миллион кишилик африкалик аҳолининг манфаатларига ва истаклари зид иш бўлди, деб буни қатъиян қораламоқда.

Монголия Халқ Республикасининг ҳукумати баёнот эълон қилиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида кўрсатилган мажбурий чораларни ирқчилик режимига нисбатан қўлланиш тўғрисида Африка давлатларининг кўпчилиги қилган талабларни тўла равишда қувватлади.

ПХЕНЬЯН. Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукуматининг баёнотида айтилишича, Жанубий Родезиядаги оқ танлилардан иборат озчилик Америка ва Англия империалистларининг ҳомийлигида «мустақиллик» эълон қилганлиги зимбабве халқига ва Африканинг ҳамма халқларига нисбатан мустамлакачилар томонидан қилинган катта нигоғарликдир.

Корея Халқ Демократик Республикасининг ҳукумати зимбабве халқини ва Африка мамлакатлари халқларининг курашини тўла равишда қувватлайди ва уларга ўзининг бирдамлигини изҳор қилади.

ОСЛО. Норвегия ҳукумати Ян Смит режимини танимаслиққа қарор қилди.

ИНДОНЕЗИЯДАГИ АҲВОЛ

ЖАКАРТА, 18 ноябрь. (ТАСС). Сўл кучларни таъқиб қилиш кампанияси бутун мамлакатда давом эттирилмоқда.

Жакарта ҳарбий округи штабининг бошлиги полковник Витоно, ҳарбий маъмурлар Жакартада «30 сентябрь ҳаракати»ни очиқдан-очиқ қўллаб-қувватлаган 2200 кишини қамоққа олганликларини бугун айтган.

Витоно яна бундай деган: Жакарта районида ва унинг чеккаларида аҳвол осойишта, лекин «30 сентябрь ҳаракати» қатнашчиларига қарши чора кўриш давом эттирилмоқда.


Армия ахборот хизматининг хабар беришича, Семарангда (Марказий Ява) «30 сентябрь ҳаракати»ни қўллаб-қувватлаган сиёсий партиялар ва оммавий ташкилотларнинг аъзоларидан 1.350 киши қамоққа олинган.

ДАДИЛ ҲУЖУМ

НЬЮ-ЙОРК, 18 ноябрь. (ТАСС). Жанубий Вьетнамни озод қилиш армиясининг жангчилари бугун кечаси Меконг дарёси дельтасида айни маҳалда Американинг икки аэродромига ҳужум қилганлар. Улар Танхиеп ҳарбий-ҳаво базаси аэродромига ва шу аэродром яқинида жойлашган Михтодаги янги аэродромга ҳужум қилганлар.

Ассошиэйтед пресс агентлиги Сайгон мухбирининг хабар беришича, беш самолёт, 14 юк машинаси, дала алоқа узели, казармалар яксон қилиб ташланган. Танхиеп базасини қўриқлаб турган Сайгон режими қўшинлари батальони талайгина талафот кўрган. Хабар беришларича, Танхиеп—Жанубий Вьетнам қўшинларига 7-дивизиясининг асосий ҳарбий-ҳаво базасидир.

Америка қўмондонлиги жанг бўлаётган жойга реактив самолётлар юборди. Бу самолётлар Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг тўпланиши эҳтимол тутилган районга напалм бомбалар ташлади.



Болгария Халқ Республикаси. Барнен округида «Девня» иссиқлик электростанциясининг иккинчи навбати қурилмоқда. Бу электр станция болгар инженерлари лойиҳасига мувофиқ қурилаётир. Ускуналарнинг бир қисмини Совет Иттифоқи етказиб беради.

БТА-ТАСС фотоси.

◆ ◆ ◆

Г. ВИЛЬСОННИНГ АЙТГАНЛАРИ

ЛОНДОН, 18 ноябрь. (ТАСС). Англия бош министри Гарольд Вильсон Жанубий Родезияга аталган радиоэшиттириш вақтида радио орқали гапирди. Англия бош министри ирқчиларни жиловлаб қўймоқ учун Англия ҳарбий кучи қўлланишни истамаётганлигини уқтириб ўтди.

Сўнгра Вильсон ҳозир Жанубий Родезияда Англия губернаторининг ҳокимиятигина бирдан-бир қонуний ҳокимият эканлигини айтиб, Англия ҳукумати губернатор ҳокимиятининг танилишига ҳаракат қилмоқда, деди. Англия губернатори олдига муваққат ҳукумат тузиш вазифаси қўйилди. Муваққат ҳукумат ялпи сайловлар ўтказилгунча ўз вазифасини бажариб туради.

Англия губернаторининг ҳокимиятини ва тузилмоқчи бўлган муваққат ҳукуматни Жанубий Родезия ирқчиларининг танишига эришмоқ учун Вильсон қандай чоралар кўрмоқчи бўлганлиги бутунлай номаълум бўлиб қолмоқда. Бу ерда маълум бўлишича, ирқчилар губернатор вазифасидан бўшатилди, деб эълон қилганлар ва бу лавозимга улар ўзларига тегишли одамни тайинлаганлар.

(ТАСС).

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

ҚУРИҚЛИКДАГИ БАЛИҚ

Кустанай областидаги Наурзум боғининг ишчилари полизда ер ковлаб турганларида тупроқ остидан... балиқ чиқиб қолди. Кишилар балиқни олиб, сувли челанка ташладилар. «Саёҳатчи» балиқ думини қимирлатиб, бемалол сузиб нета бошлади.

Ишчилар бу ҳақда Қозоғистон Давлат университетига хабар бердилар. Олимлар, айрим балиқлар сув омборлари қуриган пайтда ботчиққа кириб олиб, «яхши кунлар» келишини кутиб ётишини айтдилар.

ЯНА МАМОНТ!

Донецк областидаги «Южный Донбасс» шахтаси қурувчилари ер остидан қадимги даврда яшаган йирик ҳайвоннинг суягини топдилар. Ҳайвоннинг суяк ва қовурғалари синмасдан сақланган. Бу — улкан мамонт суяги эди.

БОБО-ЧИНОР

Ашт районида жуда улкан чинор бор. Уни «боғ-дарахт» деб ҳам аташади. Баландлиги 100 метр, 21 та йирик шохи бор.

Бу чинор ҳақида жуда кўп ривоятлар тўқилган. Ҳикоя қилишларича, подшо бу чинорни кўриб, қурувчиларга уни йиқитиш ва ёғочидан қаср қуришни буюрган экан. Улкан чинорнинг мустаҳкам шохларидан эшик, туйнук ва бошқа нарсалар ясашган. Лекин чинор шунда ҳам қуриб қолмаган. Унинг илдизидан янги чинор ўсиб чиқиб, иссиқ кунларда кишилар бошига соябон бўлган.

Тожикистонда улкан чинорлар кўп. Республика нинг Комсомолобод райони марказида танаси 4 метрли чинор бор. У ерда чойхона қурилган. Бу чинорнинг сояси 160 квадрат метрни эгаллайди.

ЛА-МАНШДАН СОЯБОН БИЛАН...

Гамбурглик спортчи Франц Кордс ажойиб бир машина — қайиқ ихтиро қилди. У шу қайиқ билан Ла-Маншдан сузиб ўтмоқчи. Кордис сафарга чиқаётганида унинг ҳўлида соябон ҳам бор эди. Кишилар ажабланиб:

— Нега соябон олдингиз,— деб сўрашганда:

— Ёмғир ёғиб қолганда керак бўлар,— деди.

РАДИО

20 НОЯБРДА

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 18.00, 19.00, 19.10, 19.50, 23.00 — Сўнгги ахборотлар.

6.15 — Концерт. 6.45 — Гимнастика (ўзб.), 7.35 — Эшиттиришлар программаси, 8.25—Концерт.

9.15 — «Совет Ўзбекистони», 9.23 — «Правда Востока», 9.53 — «Ленин байроғи», 16.00 — «Правда» газеталарининг обзори.

9.30 — Увертюралар, 9.45 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (тож.), 10.10—Камер куйлар, 10.30 —Қўшиқ ва романслар, 11.10 — Халқ контроли амалда (ўзб.), 11.25 —Топишмоқли концерт, 12.15 — Спорт эшиттириши (рус.), 12.30 — Концерт, 12.50 — Иркутск радиоси эшиттириши (ўзб.), 13.00 — Чорвадорлар учун (қоз.), 13.40 — Енгил куйлар, 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (ўзб.), 16.15 — Ашлар учун, 17.20 — Уйғур куйлари, 18.10—Янги куйлар, 18.30 — Концерт, 19.20 — Озарбайжон куйлари, 20.00 — «Ёшлик» радиостанцияси, 20.15— Эстрада-рақс куйлари, 21.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт, 22.00 — Халқаро темада (ўзб.), 22.10 — Концерт, 23.10 — Оқшом тароналари.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

20 НОЯБРДА

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.00 — **Кинофильм** (болалар учун), 17.25 — **Телевизион янгиликлар.**

Рус тилида: 17.40 — **Уфқ** (ҳужжатли фильм), 18.40 — **Миқаэл Таривердиев куйлари.**

Ўзбек тилида: 19.25 — **Оталар сўзи — ақлнинг кўзи** («Ёшлик» студияси).

Рус тилида: 20.15 — **Чет эл кинохроникаси ва Бир стакан сув** номли бадиий фильм.

22.05 — **Эшиттиришлар программаси.**

22.10 — **Концерт** (ўзбек куйларидан).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/XI да **Мирандолина**, 21/XI да кундуз **Доктор Айболит**, кечқурун **Фауст.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/XI да **Момо ер**, 21/XI да **Гули сиёҳ.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 20/XI кеч соат 7 яримда **Концерт.** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Фахриддин Умаров**, солистлардан **М. Мўминова, Р. Мўминова, С. Шукурова** ва бошқалар қатнашади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Грузин цирки артистларининг гастроли.**

КИНО

Қонун ва мушт — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

20, 21, 23, 27 ноябрда

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Моримото Каору асари

Ўғирланган умр

3 пардали драма.

А. Абдуллаев таржимаси.

Постановкачи режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Т. Ҳўжаев**, рассом — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Г. А. Визель.**

Спектакль кеч соат 7 да бошланади.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

21 ноябрда

«Пахтакор» (Тошкент) — «Химик» (Чирчиқ) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

(Ўртоқлик учрашуви)

Кундуз соат 3 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги органи

„Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги"

ЖУРНАЛИГА 1966 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ҚИЛИНМОҚДА

Ҳар ойда чиқадиган бу илмий-ишлаб чиқариш журнали колхоз ва совхозларнинг ишлаб чиқариш ишларига, ишлаб чиқариш бошқармаларининг ходимларига ва барча қишлоқ хўжалик мутахассисларига мўлжалланган.

Журналда қишлоқ хўжалигига оид жуда муҳим масалалар ёритилади, олимлар ва қишлоқ хўжалиги илғорларининг мақолалари босилади, пешқадам хўжаликларнинг намунали тажрибалари муттазам равишда намойиш қилинади.

Журнал пахта, дон, гўшт, сабзавот, мева, узум, пилла, ва бошқа маҳсулотларни тобора кўпроқ етиштириш учун кураш олиб бораётган қишлоқ меҳнаткашларининг доимий кўмакдоши бўлиш вазифасини кўзда тутади.

Обуна баҳоси: 1 йилга — 3 сўм 60 тийин, 6 ойга — 1 сўм 80 тийин. Ҳар номери — 30 тийин.

«Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журналига 1966 йил учун обуна бўлингиз!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ 272. ИНДЕКС 64543. Р. 02445